

ВЕСТНИК  
Высших учебных курсов  
Генеральной прокуратуры



BULLETIN  
of the High training courses  
of the General prosecutor's office

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари

# АХБОРОТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги  
201/3-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган

ISSN 2181-5011



[www.vuk.uz](http://www.vuk.uz)

№1 (17)  
2014



# Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари

## Таҳрир кенгаши:

Рашитжон Қодиров  
Светлана Ортиқова  
Ниғматилла Йўлдошев  
Нуриддинжон Исмоилов  
Зоҳид Дўсанов  
Ҳақимбой Халимов  
Шухрат Узақов  
Шухрат Мустафаев

## Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

## Масъул котиб:

Гофуржон Алимов

## Таҳрир ҳайъати:

Аббосхон Сангинов  
Мухтор Зоиров  
Музаффар Мамасиддиқов  
Бобокул Тошев  
Матлюба Аминжанова  
Фаҳри Раҳимов  
Фурқат Шодманов  
Марат Палванов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясининг илмий даража талабгорлари чоп этиши лозим бўлган журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

## Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,  
Тараққиёт кўчаси 59-уй

## Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz  
e-mail: axborotnoma@vuk.uz

Буюртма №  
Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»  
МЧЖ ҚК босмаҳонасида  
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,  
Авлиё ота кўчаси 7-уй.

## МУНДАРИЖА

<b>А.САИДОВ</b> Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик .....	1
<b>С.ХОЛБАЕВ</b> Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва хусусий мулк ҳимоясининг ҳуқуқий кафолати .....	4
<b>Ш.МУСТАФАЕВ</b> Болалар соғлиғини сақлаш ва таълим олишига доир ҳуқуқларини ҳимоя қилинишида прокурор назоратининг аҳамияти .....	7
<b>А.ДЖУМАНОВ</b> Опыт Международного Вестминстерского университета в городе Ташкенте в развитии высшего образования в Узбекистане .....	11
<b>С.ЭШКУВВАТОВ</b> Об опыте Федеративной Республики Германия в сфере обеспечения защиты прав и свобод человека, в том числе от пыток и других жестоких видов обращений и наказаний .....	17
<b>А.ПАРДАЕВ</b> Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш масалалари .....	21
<b>М.УТАНОВ</b> Формирование проконкурентного сознания в обществе (адвокатирование конкуренции) .....	24
<b>Б.АБДУВАЛИЕВ</b> Солиқ қонунчилигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш масалалари .....	29
<b>Я.ГИЛИНСКИЙ</b> Развития мировой криминологии .....	33
<b>Ф.РАҲИМОВ</b> Ноқонуний чет элга чиқиш ва Ўзбекистонга кириш учун жавобгарлик масалалари .....	38
<b>И.ХАМЕДОВ</b> Вопросы понятия «административные органы» .....	42
<b>Б.ТОШЕВ</b> Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш орқали инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари .....	47
<b>Ш.РЎЗИНАЗАРОВ</b> Таълим ислохотлари жараёнида юриспруденция соҳаси бўйича кадрларни тайёрлаш истиқболлари: миллий ва хорижий тажриба .....	53
<b>М.МАМАСИДДИҚОВ</b> Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш — ишбилармонлик муҳитини тўздан яхшилашнинг муҳим гарови .....	57
<b>О.КАМАЛОВ</b> Товарларни шартнома бўйича етказиб бериш муддати ва тартиби .....	60
<b>Н.ИСРАИЛОВА</b> Комиссии по делам несовершеннолетних — основное звено в системе профилактики безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних .....	65
<b>М.МИРАКУЛОВ</b> Президент қарорлари — ижтимоий-иқтисодий ривожланиш асоси .....	70
<b>З.РЎЗИЕВ</b> Фуқаролар йиғини кенгаши ва жамоатчилик комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этишнинг аҳамияти .....	74
<b>Хорижий адабиётларнинг шарҳи</b>	78
<b>Илмий-амалий конференция</b>	82
<b>Янги китоблар</b>	83

Акмал САИДОВ,  
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази директори, ю.ф.д., проф.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

- ◆ Мақолада Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган масалалар таҳлил қилинган.
- ◆ В статье проанализированы реализуемые вопросы в сфере обеспечения прав, свобод и законных интересов человека в Республике Узбекистан.
- ◆ This article analyzes realizable the most important steps in sphere of maintenance of human rights, freedoms and legitimate interests of human in Uzbekistan.

**Таянч сўзлар:** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, инсон ҳуқуқлари, эркинликлар, қонуний манфаатлар, жамоатчилик назорати.

**Ключевые слова:** Организация объединенных наций, права человека, свободы, законные интересы, общественный контроль.

**Key words:** United Nations, human rights, freedoms, legitimate interests, public control.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга изчил амал этилишини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов алоҳида таъкидлаганидек, “Биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар”<sup>1</sup>.

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги изчил ва тизимли сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида куйидагилар белгиланган:

**биринчидан**, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш, шунингдек, бу соҳадаги ҳуқуқий асосни такомиллаштириш бўйича зарур чоралар кўриш;

**иккинчидан**, инсон ҳуқуқларига амал қилишининг доимий ва комплекс мониторингини

олиб бориш;

**учинчидан**, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўриш, уларни ишга жойлаштиришга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, тадбиркорликнинг турли шакллари, айниқса, қишлоқ жойларида ривожланириш;

**тўртинчидан**, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишларини дастаклашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

**бешинчидан**, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича етмишдан ортиқ халқаро ҳужжатларнинг, шу жумладан, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилотнинг инсон мезони бўйича ҳужжатининг қатнашчиси ҳисобланади. Мамлакатимиз бу ҳуқуқий нормалар асосида ўз қонунчилигини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мувофиқлаштириш мажбуриятини қабул қилган.

Мамлакатда амалга оширилаётган Жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини либераллаштиришнинг тадрижий жараёни инсон ҳуқуқларига риоя қилишнинг муҳим кафолатига айланган. Хусусан, Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартиришлар озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўташ шарт-шароитларини анча яхшилаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан, жазони ижро этиш муассасаларининг фаолияти устидан назорат қилишнинг самарали механизмларини амалга ошириш имконини берди.

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган энг муҳим қадамлар қаторида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш керак.

**Биринчи.** 2008 йил 1 январдан эътиборан ўлим жазоси тўла бекор қилинди. Президент ташаббуси бўйича Ўзбекистон парламенти Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг ўлим жазосига тааллуқли Иккинчи Факультатив протоколини ратификация қилди. Ўзбекистон Иккинчи Факультатив протоколни ратификация қилган жаҳондаги 67-давлат бўлди. Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг “Ўлим жазосини қўллашга мораторий эълон қилиш” резолюциясини қўллаб-қувватлади.

**Иккинчи.** Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилиш мониторингини олиб бориш парламент фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бу Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар амалга оширилишининг парламент назоратини олиб бориш тартиби, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро конвенцияларнинг мониторингини қамраб олган.

**Учинчи.** Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини (мониторингини) ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоатчилик фонди ва Парламент комиссияси ташкил этилди. Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ижроия ҳокимият органлари тасарруфидан парламентга олиб берилди.

**Тўртинчи.** Ўзбекистон парламенти БМТнинг Трансмиллий жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирадиган Инсон, айниқса, аёллар ва болалар билан савдо қилишнинг олдини олиш ва бунга барҳам бериш тўғрисидаги протоколини ратификация қилди. “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонун ва Президентнинг Одам

савдосига қарши курашиш бўйича миллий ҳаракат режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Марказда ва маҳаллий миқёсда фаолият олиб борадиган идоралараро комиссия ташкил этилди. Одам савдоси қурбонларига ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича реабилитация маркази иш бошлади.

**Бешинчи.** Ўзбекистон БМТнинг Коррупцияга қарши кураш бўйича конвенциясига қўшилди. Мамлакатда коррупция билан боғлиқ хавфларга қарши самарали кураш олиб бориш, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашда фаол иштирок этишларини дастаклаш бўйича тизимли чоралар кўрилмоқда.

**Олтинчи.** Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш, жамиятни барқарор ривожлантиришда аёллар омили ролини фаоллаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан изчил ва тизимли чоралар кўрилмоқда. Қатор нуфузли халқаро институтларининг баҳоларига кўра, Ўзбекистон аёллар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш даражаси бўйича жаҳондаги 125 та мамлакат ўртасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. ЮНИСЕФнинг Ғарбий Европа, Болтиқбўйи ва МДХ мамлакатлари бўйича минтақавий идораси томонидан Ўзбекистон оналик ва болаликни ҳимоя қилиш соҳасида дастурларни жорий этиш бўйича минтақавий модел сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган демократик янгилаш ва модернизация жараёнларининг қонуний ва мантиқий давоми бўлди.

Мазкур Концепция моҳиятига кўра, ўзаро ўзвий боғлиқ бўлган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Ушбу тарихий ҳужжат асосида суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Аввало, прокуратура органларининг суд ҳокимияти устидан назорат функциялари тўлиқ бекор қилинди, прокуратура ваколатларидан суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи чиқарилди. Жиноят ишини юритишда суд назоратини

мустаҳкамлаш, ҳимоя ва айблов тортишувини таъминлаш тизими ва механизмларини такомиллаштиришда “Хабеас корпус” институти қўлла-нишини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари қўлланилмоқда.

Жиноят-процессуал қонунчиликдан суднинг жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши бўйича айблов ҳулосаларини эълон қилиш ваколатлари соқит қилинди, судгача иш юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббиёт муассасасига жойлаштириш каби процессуал мажбу-ров чораларини қўллаш ваколатлари судларга берилди.

Қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига кўра, тезкор-қидирув ишларини олиб боришнинг аниқ асослари белгиланди, бу жараёнда қонунчилик-ка риюя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин-ликларини таъминлаш, маъмурий ўзбошимчаликка йўл қўймаслик бўйича реал ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимоясини туб-дан яхшилаш, шунингдек, туман ва шаҳар умудий юрисдикция судларининг фаолиятини та-комиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўй-ича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фар-монларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган суд кадрларини тан-

лаш ва тайинлашнинг самарали тизимини яра-тиш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида халқа-ро ҳамкорликни ривожлантириб бормоқда. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича асосий шарт-номалари юзасидан ўз халқаро мажбуриятлари-ни изчил ва қатъий бажариб келмоқда. Хусусан, биргина 2013 йилнинг ўзида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгашининг Ишчи гуруҳи сессияла-рида Универсал даврий шарҳ доирасида Ўзбеки-стоннинг Иккинчи миллий маърузаси, Бола ҳуқуқла-ри тўғрисидаги конвенцияни бажариш бўйича Ўзбекистоннинг Ҳинчи-Тўртинчи маърузалари, шунингдек, Одам савдосига, болалар фоҳиша-бозлигига ва болалар порнографиясига ва бола-ларнинг қуролли низолардаги иштирокига тегишли конвенцияга факультатив протоколларни бажариш бўйича иккита даврий маърузаси, Қийноқларга ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муносабатда бўлишга қарши кураш ҳақидаги конвенция қоидаларини бажариш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Тўртинчи даврий маърузаси кўриб чиқилди ва уларга муносиб баҳо берилди.

Ўзбекистоннинг, шунингдек, Бирлашган Мил-латлар Ташкилоти, Европада Ҳавфсизлик ва ҳам-корлик ташкилоти ва уларнинг тузилмалари, бош-қа халқаро ташкилотлар билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда.



<sup>1</sup> Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш — ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир. / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2013 йил 7 декабрь.

Собир ХОЛБАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси ўринбосари

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИ ВА ХУСУСИЙ МУЛК ҲИМОЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

◆ Мақола тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳўжалик судларининг вазифаларига бағишланган.

◆ Статья посвящена задачам хозяйственных судов в защите прав и законных интересов предпринимателей, укреплению законности в экономической сфере и предупреждению правонарушений.

◆ Article is devoted to the place of economic courts in protecting the rights and legitimate interests of entrepreneurs, strengthening of legality in the economic sphere and the prevention of crime.

**Таянч сўзлар:** Тадбиркорлик, ҳуқуқий ҳимоя, хусусий мулк, қонуний манфаат, ҳўжалик суди ахборот-коммуникация технологиялар.

**Ключевые слова:** Предпринимательство, правовая защита, частная собственность, законный интерес, хозяйственный суд, информационно-коммуникационные технологии.

**Key words:** Entrepreneurship, legal protection, private property, a legitimate interest, the economic court, information and communication technologies.

Тараққиётнинг муҳим омили сифатида мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ қилиш, жамиятни демократлаштириш ҳамда янгилаш жараёни изчил давом этмоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар, дастурий чора-тадбирлар халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Хусусан, ўтган йили ялпи ички маҳсулот 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси 14,8 фоизга ошди.

Иқтисодий ўзгаришларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли янада ошиб, уларнинг умумий сони 190 мингтага етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айна шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди. Иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, "Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида 66 позиция юқорига кўтарилиб,

рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади, кредит ажратиш бўйича рейтингда эса 24 позиция юқорига кўтарилди. Айна пайтда шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити ва бизнес юриши шароитининг бугунги ҳолати эркин бозор иқтисодиётининг талаб ва принциплари, умумий халқаро нормаларга тўлиқ жавоб беради, деб айта олмаймиз".

Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда республикаимизда қулай бизнес муҳитини яратиш, кўп укладли иқтисодиётимиз тараққиётининг негизи ҳисобланган тадбиркорликка, айниқса, янги синф сифатида шаклланиб келаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, хусусий мулк ҳуқуқи ҳимоясининг ишончли кафолатини таъминлаш, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш устувор вазифалардан бўлиб турибди.

Мазкур вазифаларни рўёбга чиқариш, иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳўжалик судларининг ҳам ўз ўрни мавжуд.

2013 йилда республика ҳўжалик судлари томонидан 235 мингдан зиёд низоли иш кўриб чиқилиб, улар бўйича даъвогарлар фойдасига жавобгарлардан 9,4 триллион сўм миқдоридеги пул

маблағлари ундириб берилди. Шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатида кўрилган ишлар сони 204 мингтани ташкил этди ва улар фойдасига 322,5 миллиард сўмга яқин пул маблағлари ундирилди.

Судларда ишларни кўришнинг тарбиявий ва профилактик аҳамиятини ошириш, ишда иштирок этувчи шахсларга суд муҳокамаларида бевосита қатнашиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун янада қулай шароит яратиш мақсадида хўжалик ишларини имкон қадар бевосита тарафлар жойлашган жойда, яъни сайёр суд мажлисларида кўриб чиқишга ҳам эътибор берилиб, 84 мингдан зиёд хўжалик ишлари сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Хўжалик ишларини кўриш жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига, бошқа ташкилотларга жиддий зарар етказилганлик, тўлов интизоми ҳамда шартнома шартларининг бузилишига йўл қўйганлик ҳолатлари учун хўжалик судлари томонидан айбдор шахсларга нисбатан 2013 йилда 1063 та маъмурий, 1382 та моддий, 1435 та интизомий жавобгарлик чораси белгиланди. Қолаверса, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва келгусида бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида ташкилотларга 789 та хусусий ажримлар юборилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг кафолати сифатида хўжалик судларига келиб тушаётган даъво аризалари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунинг бир қанча омиллари мавжуд.

Биринчидан, хўжалик юритувчи субъектлар вакилларининг ҳуқуқий онги истиқлол йилларида ўсди, улар ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш энг мақбул ва ишончли усул эканлигини англаб етдилар. Бу эса жамиятда ҳуқуқий маданият даражаси юксалиб бораётганлигининг белгиси ҳамдир.

Иккинчидан, табиийки, бозор шароитида мулкчиликнинг турли шаклларидаги тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги шартномавий асосда йўлга қўйиладиган муносабатлар ҳам фаоллашмоқда. Бундай ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида у ёки бу тусдаги муаммоли вазиятлар ҳам юзага келмоқдаки, уларга одилона ва қонуний баҳо бериш, узил-кесил ҳал этиш хўжалик судлари ваколатига киради.

Учинчидан, ишбилармонликка кенг йўл бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, аynиқса, иқтисодиётнинг таркибий негизини белгилаб беришда муҳим сектор ҳисобланган, аҳолини иш билан таъминлашда, унинг даромадини кўпайтиришда асосий омил бўлиб хизмат қиладиган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги, эркин фаолият кўрсатишлари учун уларга бир қанча имтиёзлар, енгилликлар, преференциялар жорий этилганлиги боис уларнинг сони тобора

ошиб бормоқда.

Хўжалик судларида низоларни ҳал этиш муддатларини қисқартириш, суд тизими фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини янада тўлиқроқ таъминлаш мақсадида тизим фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, компьютерлаштириш даражаси ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида ҳам бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, муҳтарам Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда, 2013 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларида электрон почталар ташкил қилиниб, даъво аризалар ва илтимосномаларни Олий хўжалик судининг расмий веб-сайти ҳисобланган "economical-court.uz" манзили орқали қабул қилиш бўйича марказлаштирилган электрон дастурий таъминот ишга туширилди.

Ушбу тартиб жорий этилгач, хўжалик судларига нафақат электрон шаклдаги даъво аризалар ва илтимосномалар, балки электрон шаклдаги апелляция ва кассация шикоятлари, назорат тартибида протест келтириш, шунингдек, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни қайта кўриш тўғрисидаги аризалар ҳам бериладиган бўлди.

Статистик рақамларга мурожаат қилинса, 2013 йил мобайнида хўжалик судларига электрон шаклда 1 805 та даъво аризалар ва илтимосномалар келиб тушган бўлиб, 2014 йилнинг 1 март ҳолатига ушбу кўрсаткич 3 713 тани ташкил этди.

Бундан ташқари, 2013 йил 1 июндан бошлаб хўжалик судидан ҳужжатларни ахборот тизими орқали юбориш, яъни суд муҳокамаси иштирокчиларини хабардор қилиш ва уларга суд ҳужжатларини, бошқа хат-хабарларни маълумотлар алмашинувининг электрон воситалари орқали юбориш ҳамда хўжалик судлари ҳал қилув қарорларини судларнинг веб-сайтларида мажбурий чоп этиш имкониятини кўзда тутувчи электрон дастурий таъминот ҳам ишга туширилди ва Олий хўжалик судининг веб-сайти модернизациялаштирилди.

Хўжалик судлари томонидан суд мажлиси иштирокчиларига 2013 йилнинг 1 июндан 2014 йилнинг 1 январига қадар 1 580 та суд ҳужжатлари ва хабарномалар электрон шаклда юборилган бўлса, 2014 йилнинг январь-февраль ойларида бундай ҳужжатларнинг сони 1 154 тага етди. Натижада тадбиркорлик субъектлари учун катта қулайликлар яратилиб, уларнинг вақти ва маблағларининг тежалиши билан бирга, одил судловнинг ошкоралиги ҳамда шаффофлиги, судлар фаолиятининг очиқлиги таъминланмоқда.

Хўжалик судлари фаолиятига замонавий ах-

борот-коммуникация технологияларини самарали жорий этиш борасидаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида ҳозирда суд мажлисларини видеоконференция усулида ўтказиш амалиётини жорий этиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Бу эса иш кўрилатган суддан бошқа ҳудудда жойлашган тарафлар, шу жумладан, тадбиркорлар учун суд муҳокамасида иштирок этиш билан боғлиқ йўлда юриш, меҳмонхонада яшаш, овқатланиш каби сарф-харажатларнинг олдини олади. Ундан ташқари, мазкур тартибнинг жорий этилиши билан масофавий тарзда йиғилишлар ўтказиш, тадбиркорлар, масъул идоралар вакиллари иштирокида турли хил конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари каби тадбирларни уюштириш имконияти ҳам пайдо бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилди. Хусусан, фаолиятни тўхтатиб қўйиш, тугатиш, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, лицензияларни 10 кундан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш фақат суд орқали амалга ошириладиган бўлди.

Бундай тартибнинг жорий этилиши натижа-сида турли назорат қилувчи давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан етарли асосларсиз, баъзан адолатсиз бир ёқлама таъсир чоралари қўлланилишининг, айб қўйилишининг олди олинмоқда, мансабдор шахсларнинг масъулияти янада ошмоқда, низо судда ошкоралик, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва тортишувлилиги принциплари асосида ҳал этилмоқда.

Ҳўжалик судлари ўтган йилда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида киритилган аризалар асосида 6,5 мингга яқин ҳўжалик ишларини кўриб чикди.

Албатта, аризалар асосли бўлган тақдирда қаноатлантирилмоқда. Шу билан бирга, назорат қилувчи органларнинг масъул мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тартибини бузганлик, хато ва камчиликларга йўл қўйганлик, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашганлик, ваколат доирасидан четга чиққанлик каби қонунбузарлик ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Жумладан, назорат қилувчи органлар вакиллари томонидан бундай қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги, аризадаги талаблар асоссиз эканлиги боис, 2013 йилда кўрилган шу тоифадаги аризаларнинг 380

таси рад этилди, 168 таси кўрмасдан қолдирилди, 76 таси юзасидан иш юритиш тугатилиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатлари ҳимоя қилинди. Назорат қилувчи органларнинг 165 нафар айбдор мансабдор шахсларига нисбатан тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилди.

Бундан ташқари, ҳўжалик судлари томонидан ҳокимликлар, давлат бошқаруви ва назорат қилувчи органларнинг қонунга зид бўлган, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хилоф равишда чиқарилган ҳужжатларини ҳақиқий эмас, деб топиш орқали ҳам ушбу мулкдорлар синфининг ҳуқуқий ҳимояси таъминланмоқда.

Жумладан, 2013 йилда ушбу органларнинг 292 та, шу жумладан, ҳокимларнинг 107 та, солиқ органлари раҳбарларининг 62 та ва бошқа органларнинг 123 та ҳужжатлари ҳақиқий эмас, деб топилди ва 36 нафар айбдор мансабдор шахсга нисбатан тегишли суд таъсир чоралари қўлланилди.

Қайд этиш лозимки, ҳозирда ҳўжалик судлари томонидан тадбиркорлар, ташкилот ва фуқаролардан келиб тушаётган ҳар қандай мурожаатлар, шу жумладан, ариза ва шикоятларнинг мазмун-моҳиятини, уларда билдирилган важларни, эътирозларни, танқидий фикрларни синчковлик билан ҳолисона ўрганиш, асосли бўлган тақдирда тегишли чоралар кўриш, мурожаатларга қисқа муддатларда ва батафсил жавоб юбориш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

Айниқса, хусусияти ва муҳимлиги инobatга олинган ҳолда, ариза ва шикоятларнинг ўз вақтида, сифатли ва қонуний кўриб чиқилиши раҳбарият томонидан назоратга олинган. Шу боис, бундай тоифадаги мурожаатлар сони 2013 йилда 444 тани ташкил қилди ва 2012 йилга нисбатан бу кўрсаткични 81 тагача камайтиришга эришилди.

Жорий йилдан бошлаб белгиланган график асосида бевосита вилоятларга чиқилган ҳолда, тадбиркорлар, фуқаролар учун Олий ҳўжалик суди раҳбариятининг шахсий қабулини ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилди. Агар видеоконференция алоқа тизими жорий этилса, нафақат суд мажлисини видеоконференция усулида ўтказиш, балки жойларда Олий ҳўжалик суди раҳбариятининг шахсий қабулларини масофавий тарзда ташкил этиш имконияти ҳам вужудга келади.

Ҳулоса қилиб айтганда, одил судловни амалга оширган ҳолда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун олдидаги тенглигини таъминлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бунинг учун имкон қадар қулайликлар яратиш, уларга нисбатан аниқланган ҳар қандай қонунбузарлик ҳолатларига қатъий чек қўйиш, фаолиятига ғов ва тўсиқ бўлаётган турли иллатларни бартараф этиш ҳўжалик судлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бўлиб қолаверади.

Шухрат МУСТАФАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари бошлиғи, ю.ф.н.

## БОЛАЛАРНИНГ СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ ВА ТАЪЛИМ ОЛИШИГА ДОИР ХУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

◆ Мақола мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилинишида прокурор назоратининг аҳамияти ва болаларнинг таълим олишига бўлган ҳуқуқлари муҳофазасини янада такомиллаштиришга бағишланган.

◆ Статья посвящена значению прокурорского надзора по защите прав детей, и дальнейшему совершенствованию охраны прав детей на получение образования.

◆ The article is devoted to the value of procuratorial supervision for the protection of children's rights, and there were given suggestions for further improvement of protection of children's rights to education in the article.

**Таянч сўзлар:** соғлиғини сақлаш, прокуратура, миллий таълим тизими, баркамол авлод, соғлом бола.

**Ключевые слова:** здравоохранение, прокуратура, национальная образовательная система, гармонично развитое поколение, здоровый ребенок.

**Key words:** health guarding, prosecutors, the national education system, harmony developed generation, healthy child.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов бошчилигида миллий таълим тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ёшларнинг ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун барча шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Маълумки, 18 ёшгача бўлган болалар республика аҳолисининг 40 фоизини ташкил этади. Мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб болалар ҳуқуқини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди. Мантиқий бир-бирини давом эттириб келаётган “Соғлом авлод йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили”, “Соғлом бола йили” Давлат дастурларида жисмонан бақувват ва маънан етук авлодни тарбиялаш мақсадида ҳукумат томонидан белгиланган чора-тадбирлар ва улар бўйича сарфланган молиявий маблағлар фикримизнинг яққол далили десак муболаға бўлмайди. Хусусан, биргина 2013 йилнинг ўзида “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида

6 триллион 930 миллиард сўм ҳамда 471 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфланди<sup>1</sup> ёки “Соғлом бола йили” Давлат дастуридаги тадбирларни бажариш учун жорий йилда 4,5 триллион сўмдан зиёд ва 302,9 млн. доллар миқдорида маблағ сарфланиши режалаштирилди<sup>2</sup>.

Айни вақтда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи таълим учун сарфланаётганлигини, жаҳон тажрибасида эса бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмаганлигини инобатга олсак, бу соҳада Ўзбекистон бошқа давлатларга андоза бўладиган ислоҳот олиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Фарзанд тақдири, соғлиғи, унинг келажаги ҳақида ғамхўрлик қилиш, камолини, бахтини кўриш ҳар бир ота-онанинг, оиланинг, юртнинг орзуси ҳисобланади. Президент таъбири билан айтганда, “Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради”.

Юртимиз истиқлолининг дастлабки кунларида, яъни 1991 йил 20 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида, “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратида” деган умумэтироф этилган принципиал қоидалар белгиланди<sup>3</sup>.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан фарқли ўларок, Бош Қонунимизда оила институтига алоҳида боб ажратилди, унда оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, у давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб кўйилди.

1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон ратификация қилган илк халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бу — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси бўлди.<sup>4</sup> Бу қадам бола ҳуқуқларига оид давлат сиёсатининг самарали механизми яратилишига кенг йўл очиб берди. Конвенциядаги бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳуқуқий тамойиллар ва қоидалар миллий қонунчилигимизга сингдирилди. Бундан ташқари, республикамиз 1997 йил “Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияга, 2008 йилда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган яна 5 та халқаро конвенция ва Факультатив протоколларга қўшилди.

Мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар фонди, яъни ЮНИСЕФнинг 1994 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётганлиги бу борадаги ишларимиз кўламини янада кенгайтирди.

Мамлакатимизда Оила кодекси, “Таълим тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлар, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда “Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги, “Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги, “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши келажак авлоднинг билимдон, соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб етишидаги ҳуқуқий заминни янада мустаҳкамлади.

Умумий қилиб айтганда, республикада таълим тизимини тартибга солувчи 200 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди<sup>5</sup>.

Истиқлолга эришилган вақтда мамлакатимиздаги 8 минг 333 та мактабларнинг учдан бир

қисмини ўтган асрнинг 40-60 йилларида ҳашар йўли билан лой ва хом гиштдан қурилган бинолар ташкил этган. Улар белгиланган талабларга жавоб бермаган. Мактабларнинг 80 фоизи зудлик билан капитал таъмирлашни талаб қилган<sup>6</sup>.

Президентимиз бошчилигида бу соҳада олиб борилган изчил ислохотлар натижасида ҳозирда мамлакатда замонавий бино кўринишига келтирилган 9 минг 700дан зиёд умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда, уларда 4 миллион 700 мингга яқин болалар таълим-тарбия олишмоқда.

Юртимизда олиб борилган ишларнинг натижасини биргина мусиқа ва санъат соҳасида кейинги 10 йилда Франция, Италия, Германия каби бир қатор ривожланган мамлакатларда ўтказилган халқаро конкурсларда 164 нафар ўқувчи болаларимиз олтин, кумуш, бронза медаллари ва дипломларига сазовор бўлганликларида кўришимиз мумкин<sup>7</sup>.

Боланинг таълимида, соғ-саломат вояга етишида спортнинг ўрни беқиёсдир. Президент Исом Каримов айтганларидек, “Болалар спорти ривожини — таълим-тарбия соҳасининг ривожидир”<sup>8</sup>. XXI асрнинг бошларида ўқувчи ва талабалар ўртасида спортни оммалаштиришнинг янги, дунёнинг ҳеч бир мамлакатига учрамайдиган ягона тизими яратилди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» номлари остида миллионлаб ёшларни бирлаштирган спорт механизми ишга туширилди. Умумтаълим мактаблари янгитдан қурилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эга, 1,5 мингдан зиёд коллеж ва лицейлар замонавий жиҳозланган спорт заллари билан тўлиқ таъминланган.

Юртимизда миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун шарт-шароит яратилди.

Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш учун давлат томонидан ҳар йили 5,7 миллиард сўм атрофида маблағ ажратилади<sup>9</sup>.

Юқоридаги ислохотлар вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг кескин камайишига олиб келди. Хусусан, 2012 йилда 2000 йилга нисбатан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 30,5 фоизга<sup>10</sup> ёки 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 1,4 фоизга камайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига кўра, прокуратура органлари республика ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилади. Шу жумладан, бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ҳам назорат олиб боради.

Ўтган йили прокуратура органлари томони-

дан вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамкорлигида олис ҳудудлардаги академик лицей ва касб-хунар коллежларига транспорт қатнови аҳволи ўрганилиб, 181 та янги транспорт йўналишлари очилиши ва 217 та йўналишга ўзгартиришлар киритилиши натижасида қўшимча равишда 45 минг нафар талабаларга транспорт хизматидан фойдаланишда қулайликлар яратилди.

Ўқувчилар давоматини яхшилаш ва назоратни таъминлаш мақсадида Бухоро вилоятида прокуратура ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамкорлигида бир қатор таълим муассасаларида дарсларга қатновни электрон тарзда назорат қилувчи мониторинг тизими жорий этилиб, давомат кўрсаткичининг ўртача 12 фоизга яхшиланишига эришилди.

Болалар муҳитида қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида бевосита прокурорлар томонидан 13,5 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2013 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган 533 минг 658 нафар битирувчиларнинг 99,6 фоизи таълимнинг кейинги босқичига жалб қилинди.

Соҳада бажарилган ишлар қаторида Бош прокурор ташаббуси асосида қабул қилинган қонунларга ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Хусусан, 2010 йил 29 сентябрда 36 моддадан иборат “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бундан ташқари, Бош прокурор ташаббуси асосида 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган қонунга биноан, болаларнинг мажбурий бўлган 12 йиллик таълим олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахслар томонидан тўсқинлик қилинганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Маълумки, ёшларнинг узлуксиз мажбурий таълим билан қамраб олинишига салбий таъсир ўтказадиган муаммоли ҳолатлардан бири ўқувчи қизларнинг, шу жумладан, никоҳ ёшига тўлмаганларнинг эрга бериб юборилишидир. Олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамасдан, 2012-2013 ўқув йилида лицей ва коллежларда таълим олаётган 2 минг 114 нафар қизлар ота-оналари томонидан турмушга чиқарилган, оқибатда улардан 944 таси ўқув машғулотларига умуман қатнашмай қўйган.

Шундай салбий иллатга барҳам бериш мақсадида Бош прокурор ташаббуси асосида 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган қонунга биноан, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ва жинсий жавобгарлик белгиланди.

Болаларнинг соғлигини сақлашга оид қонун-

лар ижроси юзасидан прокурор назоратининг аҳамияти ҳам муҳим ҳисобланади. Болаларнинг соғлигини сақлашга доир қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишда аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 185 та тақдимнома киритилди, 859 нафар масъул шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, протест келтириш йўли билан 87 та ноқонуний ҳужжат қонунга мувофиқлаштирилди, келгусида қонунбузилишининг олдини олиш мақсадида 25 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди.

Болалар тиббий кўригини ва даволаш-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш учун ажратилган бюджет маблағлари ва дори воситаларини талон-торож қилиш, ўз вақтида малакали тиббий хизмат кўрсатилмаганлиги ва бошқа суистеъмолчиликлар юзасидан 14 та жиноят иши қўзғатилди. Текширишлар жараёнида жами 591 нафар болалар шифокорлар кўригидан ўтказилиб, малакали тиббий хизматдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқлари тикланди.

Бу соҳадаги қонунлар ижроси юзасидан олиб борилган тадбирлар натижасида юқорида таъкидланганидек, ўтган йилда оналар ва болалар ўлими ҳамда эрта туғруқ ҳолатлари камайди.

Болалар соғлиғи ва таълимига доир ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида миллий қонунчилик, хусусан, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун прокуратура органлари олдида алоҳида вазифаларни қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада кучайтириш тўғрисида”ги 92-сонли буйруғида болаларга, айниқса, ногирон болаларга тиббий ёрдам кўрсатилиши аҳволи, болаларнинг таълими ва тарбиясига доир қонунлар ижроси назоратини мунтазам олиб бориш борасида прокуратура ходимларига қатор аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги кунда болалар ва ёшларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини янада кафолатлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифларни келтириб ўтмоқчимиз:

1. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди. Қонунчиликдаги бу ўзгаришларнинг асосий мақсади болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш бўлса, шу билан бир қаторда, уларнинг жисмоний соғлом бўлиб улғайишини таъминлаш ҳисобланади.

Салбий иллатга нисбатан қатъиятlilik ва талабчанликни кучайтириш, аҳоли ўртасида бу борада тарғибот ишларини кучайтириш лозим.

2. Таълим тизимидаги педагогик ходимларнинг болаларга таълим бериш сифатини мониторинг қилиш механизмини такомиллаштириш керак.

3. Ўқувчининг баҳоси, унинг хулқ-атвори юзасидан таълим муассасаларида “электрон база” яратиб, бу ҳақда ота-она ёки унинг ўрнини босувчи шахсларни хабардор қилиб туриш мақсадида ахборот технологиялари имкониятидан фойдаланиб, ота-она ва таълим даргоҳи ўртасида мунтазам электрон мулоқотни жорий этиш.

4. Меҳрибонлик уйларидаги тарбияланувчиларни имкон қадар оила кучоғига қайтариш.

5. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид

давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг 10, 16-моддаларида ўқувчилар, талаба-ёшлар ва вояга етмаганлар учун транспортда юриш имтиёзларига доир умумий қоидалар белгиланган.

Таълим масканларига қатнаш учун янада қулай шароит яратиш мақсадида шаҳар ва туманлардаги ички жамоа транспортларида болалар учун белгиланган йўл ҳақига бўлган имтиёзни янада енгиллаштириш лозим.

6. Шу соҳада давлат органлари билан ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлигини янада кучайтириш лозим.



<sup>1</sup> “Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажакимизнинг асосий омилidir”. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

<sup>2</sup> Халқ сўзи, 2014 йил 22 февраль, №38 (5968)-сон, 2-б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.:Ўзбекистон, 2012. 9-б.

<sup>4</sup> “Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги ЎзР Олий Кенгашининг 08.12.1992 йилдаги қарори.

<sup>5</sup> Бола ҳуқуқлари мониторинги. Ўқув-услубий қўлланма / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, - Тошкент - 2011 й. 59-б.

<sup>6</sup> А.Раҳмонов, “Ҳуқуқ ва бурч” №11-сон - 2012 й.

<sup>7</sup> Шунга қаралсин, Б. — 9.

<sup>8</sup> Соғлом бола — ёруғ келажакимиз (тавсиялар). Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси — Т., 2014 й. — Б.30.

<sup>9</sup> А.Алимов, Реформирование системы здравоохранения в области охраны материнства и детства — залог благополучия и процветания общества. Сборник материалов международного форума 4-5 декабря 2013 года, Т.-2013й. — С.6.

<sup>10</sup> Р.Х.Қодиров, Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хуна таълимининг мажбурийлиги — баркамол ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим омилidir. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ОУК Ахборотномаси, — 3-б.

**Абдумалик ДЖУМАНОВ,**  
ректор Международного Вестминстерского университета в г. Ташкенте

## ОПЫТ МЕЖДУНАРОДНОГО ВЕСТМИНСТЕРСКОГО УНИВЕРСИТЕТА В ГОРОДЕ ТАШКЕНТЕ В РАЗВИТИИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

- ◆ *Мақола Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетининг Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантириш борасидаги тажрибасига бағишланган.*
- ◆ *Статья посвящена опыту Международного Вестминстерского университета в городе Ташкенте в развитии высшего образования в Узбекистане.*
- ◆ *The article focuses on the experiences of Westminster International University in Tashkent in the development of higher education in Uzbekistan.*

**Таянч сўзлар:** Олий таълим, таълим стандартлар, менеджмент, халқаро бизнес, трансмиллий таълим.

**Ключевые слова:** Высшее образование, образовательные стандарты, менеджмент, международный бизнес, транснациональное образование.

**Key words:** Higher education, educational standards, management, international business, transnational education.

Экономика знаний представляет собой такой тип экономики, где создаются, распространяются и используются знания, необходимые для обеспечения экономического роста и конкурентоспособности. Конкурентоспособность высокотехнологичных отраслей все больше определяется специальными знаниями, навыками и уровнем инноваций, которые воплощаются в квалифицированной рабочей силе и инновационных механизмах.

В условиях современной технологической модернизации, развития новых высокотехнологичных отраслей национальной экономики, производящих наукоемкую продукцию, и усиление роли инновационных процессов в воспроизводстве человеческого капитала особенно большое значение приобретает развитие образовательной системы. В связи с этим важнейшей целью дальнейшего углубления реформ в системе образования республики является совершенствование образовательных стандартов и программ, направленных на повышение уровня и качества образовательного процесса, продолжение укрепления материально-технической базы школ, лицеев, колледжей и высших учебных заведений.

В настоящее время сектор образования, включая расходы национальных систем образования, является одним из крупных сегментов глобального мирового рынка (объем которого в 2012 г. оценивался совокупным расходом в размере 4,5 триллионов долларов США). С учетом демографического и социально-экономического развития, средний ежегодный рост мировых расходов на образования в 2012-2017 гг. прогнозируется на уровне 7,0%. (в 2017 году объем мирового рынка образования достигнет 6,3 триллионов долларов США) . При этом предполагается, что образовательные технологии и обучение английскому языку станут наиболее интенсивно развивающимся сегментом мирового образовательного рынка.

Транснациональное образование в Великобритании. На мировом рынке образовательных услуг Великобритания завоевала репутацию страны с высоким качеством образовательных программ с известными учебными заведениями. Великобритания также занимает одну из ведущих позиций по экспорту образовательных услуг. В 2011 году общий объем экспорта образовательных услуг Великобритании достиг уровня

Вслед за этим Указом Президента №УП-3366 от 22.12.2002 г., была образована новая система органов — органы хозяйственного управления, к которым были отнесены государственные хозяйственные объединения, создаваемые в следующих основных организационно-правовых формах:

— акционерные компании, включая государственно-акционерные, осуществляющие хозяйственное управление входящими в их состав предприятиями через пакеты акций этих предприятий, принадлежащих хозяйственному объединению;

— ассоциации, создаваемые на добровольной основе предприятиями-учредителями для оказания содействия в их деятельности путем делегирования им отдельных общих функций без права управления пакетами акций предприятий-учредителей.

Основными задачами и функциями таких хозяйственных объединений были названы: определение перспективной стратегии устойчивого развития отрасли и сферы экономики; организацию маркетинговых исследований, оказание содействия в освоении производства новых видов конкурентоспособной на внутреннем и внешних рынках продукции (работ, услуг), продвижении их на мировые рынки; содействие в модернизации и технологическом перевооружении предприятий, широком привлечении для этих целей иностранных инвестиций; оказание информационных услуг предприятиям и организациям, входящим в их состав; организацию подготовки, переподготовки и повышения квалификации кадров.

Было установлено, что в полномочия органов хозяйственного управления не входят функции государственного управления, в том числе распределительные, а также административное вмешательство в деятельность предприятий, входящих в их состав.

Органы хозяйственного управления имеют неоднозначный административно-правовой статус. С одной стороны, они — хозяйственные объединения, т.е. субъекты корпоративного права, с другой — в их задачах можно усмотреть элементы государственно-управленческой компетенции. Пожалуй, главное отличие этих органов от органов государственного управления состоит в том, что они лишены публично-распорядительных полномочий: их власть распространяется только на предприятия и организации, входящие в их состав. Хотя, как будет ясно ниже, и это не всегда и не совсем так.

Особняком стоят такие организации, как национальные компании. Так, согласно Положению, утвержденному Постановлением Кабинета министров №360 от 28.07.2004 г., Национальная компания «Узбектуризм» является уполномоченным государ-

ственным органом в сфере туризма и в своей деятельности подотчетна Кабинету Министров Республики Узбекистан. К основным задачам Компании отнесены: обеспечение проведения единой государственной политики в сфере туризма, содействие формированию инфраструктуры туристских услуг; реализация государственных программ развития туризма, программ обеспечения защиты и безопасности туристов, межотраслевая и межрегиональная координация туристской деятельности; сертификация туристических услуг; осуществление рекламно-информационной политики в сфере туризма; привлечение иностранных кредитов и инвестиций в сферу развития туризма, развитие долгосрочных программ сотрудничества с зарубежными странами, а также их компаниями; реализация комплекса мер по подготовке, переподготовке и повышению квалификации кадров для сферы туризма, содействие развитию отраслевой туристской науки.

Очевидно, что эта национальная компания — орган государственного управления. Хотя в перечне органов государственного управления, утвержденном Указом Президента №УП-3358 национальные компании не значатся. Что касается Национальной авиакомпании «Узбекистон хаво йуллари», ее административная компетенция не столь выражена, но все же присутствует. Например, известно, что Национальная авиакомпания совместно с некоторыми органами государственного управления издавала нормативно-правовые акты, что является свидетельством наличия у нее государственно-управленческой компетенции<sup>5</sup>. Интересно, что и о Государственной акционерной железнодорожной компании «Узбекистон темир йуллари»<sup>6</sup> можно сказать то же самое, хотя, согласно вышеупомянутому Указу №УП-3366, эта акционерная компания как орган хозяйственного управления не должна обладать публично-распорядительными (в данном случае, правотворческими) полномочиями.

Новое содержание понятия «органы государственного управления» было обусловлено необходимостью ограничения органов хозяйственного управления от системы государственного управления. Однако, такой сугубо прагматичный подход привел к чрезмерному сужению содержания этого понятия и оторвал его от исторических доктринальных корней. Теперь прежнее понятие «органы государственного управления» осталось лишь в анналах административно-правовой науки.

Кроме того, в последние годы Руководство страны взяло курс на децентрализацию государственного управления, что подразумевает в числе прочего передачу некоторых государственных функций негосударственным органам. В частности, государственно-управленческой компетенцией были наделены органы местного самоуправления.

Таким образом, на сегодняшний день, мы имеем несколько понятий, описывающих субъектов, вовлеченных в осуществление государственно-управленческой деятельности: органы исполнительной власти, органы государственного управления в прежнем доктринальном и новом постреформенном значении, органы хозяйственного управления, органы местного самоуправления. Такая ситуация не располагает к ясности научного представления. Необходима новая систематизация органов, вовлеченных в государственное управление. В качестве нового понятия, способного в какой-то мере решить эту задачу, мы рассматриваем понятие «административные органы».

В отличие от всех вышеназванных это понятие не ограничено ни политическими концепциями, ни доктринальными рамками исторического наследия. К тому же оно работает на реализацию принципов административного права и, что особенно важно, позволяет на новой основе упорядочить терминологический хаос, образовавшийся в годы активных реформ.

Понятие «административные органы» исходит из концепции *администрирования* как особого вида государственно-управленческой деятельности. Администрирование — это исполнительно-распорядительная деятельность индивидуально-конкретного характера, или административное распоряительство в отношении конкретных ситуаций государственного управления. Администрирование — деятельность правоприменительного характера. В ходе администрирования компетентный орган применяет норму публичного права к конкретной управленческой ситуации, требующей государственно-властного решения. Другой важный аспект заключается в том, что администрирование — это публично-властная деятельность. Она направлена на публичного адресата (организационно не подчиненных лиц), что отличает ее от внутриорганизационного управления в соответствующих органах и от государственной организационно-управленческой деятельности в пределах государственного аппарата. От правотворческой деятельности, администрирование отличается тем, что оно направлено на разрешение индивидуально-конкретных дел, а не на установление норм. Значение администрирования обусловлено тем, что именно в ходе этого вида государственно-управленческой деятельности напрямую затрагиваются права и законные интересы частных лиц. А, следовательно, ее необходимо регламентировать в первую очередь. Единство и целостность подхода здесь крайне важны и полезны для общего блага.

Как вид государственного управления, администрирование имеет единую для государственного управления функциональную структуру. В нем есть и исследовательские функции, направленные на изучение ситуации, и функции принятия управлен-

ческих решений и проектирование. Но называться они могут по-разному и иметь различное правовое оформление в зависимости от отрасли или сферы управления. В налоговом администрировании, например, есть институт налоговой проверки, который представляет собой исследование деятельности налогоплательщика на предмет соблюдения налогового законодательства, по итогам которой, в случае выявления нарушений, может приниматься решение о взыскании недоимки и наложении штрафа на правонарушителя.

Административные органы — это органы, уполномоченные на осуществление администрирования. Значит, любой орган, в компетенции которого присутствуют задачи и функции администрирования, будет считаться административным органом. Таким образом, понятием «административные органы» мы охватываем: органы исполнительной власти, наделенные задачами и функциями администрирования: это комитеты, комиссии и иные специально уполномоченные органы, создаваемые при Кабинете Министров Узбекистана<sup>7</sup>, министерства и иные административные ведомства, органы исполнительной власти на местах; иные органы государственного управления (территориальные органы государственного управления); некоторые органы хозяйственного управления; органы местного самоуправления.

Конечно, понятие «административные органы» не охватывает все органы системы государственного управления. В этом его недостаток. Однако, для целей современного административного права такое понятие вполне подходит, так как оно выделяет как раз те государственные органы, которые непосредственно и наиболее активно взаимодействуют с частными лицами, т.е. находятся на передовой линии процесса публичного управления. Качество работы именно этих органов в наибольшей мере определяет отношение общества к государственному аппарату в целом. И потому новая систематизация административного права, которая продиктована сверхзадачей приведения системы государственного управления к ее основному назначению в общественной жизнедеятельности — заботиться об общем благе — должна начинаться с наведения порядка в рядах именно административных органов. Что касается проблематики организации системы государственного управления в целом, для ее обсуждения необходимо понятие, которое полностью охватит все органы этой системы. Таковым, к примеру, было советское понятие «органы государственного управления». Теперь этому понятию нужно дать вторую жизнь, либо найти ему адекватную замену.

Рассмотрим подробнее содержание нового понятия. Как и любой орган, административный орган представляет собой разновидность организации. Под организацией понимают коллектив людей, орга-

низованный определенной деятельностью. Это подразумевает наличие единой цели, единых задач и единой организационной структуры. Организация становится таковой при наличии организационной структуры: т.е. распределения функций и определения функциональных мест для всех входящих в нее людей.

Административные органы можно классифицировать по различным критериям. Каковы же отличительные признаки административного органа как вида организации? На наш взгляд, важно выделить следующие особенности:

— Наличие административной компетенции, т.е. определенных задач, функций и подведомственных вопросов в области администрирования. Это значит, что административный орган занимает совершенно определенное место в системе публичного управления. И место это определено его компетенцией;

— Уполномоченность на осуществление администрирования, т.е. наделенность государственно-властными полномочиями индивидуально-распорядительного характера в сфере публичного управления. Это значит, что административный орган полномочен рассматривать и разрешать отнесенные к его компетенции индивидуально-конкретные дела в сфере публичного управления, или, как минимум, совершать отдельные юридически значимые действия, направленные на разрешение таких дел. Индивидуально-конкретное дело — это конкретная проблемная ситуация. А публичный ее характер указывает на участие в ней лиц, не находящихся в организационном подчинении у административного органа (публичного адресата), и необ-

ходимость властного разрешения ее на основе публичного права. Важно заметить, что, разрешая отнесенные к его компетенции дела, административный орган выступает от имени государства! Это делает его субъектом не только публичного, но и государственного управления, или исполнительно-распорядительной деятельности государства;

— Подзаконный характер деятельности. Это следует из предыдущего тезиса о том, что административный орган — это субъект исполнительно-распорядительной деятельности государства. Как таковой он должен действовать исключительно на основе и во исполнение закона.

Как следует из содержания администрирования, административные органы осуществляют, прежде всего, правоприменительную деятельность. Они разрешают на основе административного права конкретные ситуации, складывающиеся в сфере публичного управления. Сказанное не означает, что административные органы занимаются исключительно этим. Многие из них, в частности те, которые являются органами исполнительной власти, уполномочены издавать нормативно-правовые акты, т.е. осуществлять правотворческую деятельность. Все административные органы занимаются внутри организационным управлением (решением вопросов внутренней организации собственной работы), участвуют в гражданских правоотношениях (например, закупают канцтовары для собственных нужд). Но *основное назначение* их именно в качестве административных органов — осуществлять *администрирование*. Именно это обстоятельство определяет особенность их административной правосубъектности.



<sup>1</sup>См.: Общее административное право: учебник/ под ред. Ю. Н. Старилова. – Воронеж: Изд-во Воронежского гос. ун-та, 2007, с.171

<sup>2</sup>Например, Ю.М.Козлов, см.: Общее административное право: учебник/ под ред. Ю. Н. Старилова. – Воронеж: Изд-во Воронежского гос. ун-та, 2007, с.43

<sup>3</sup> Под административным ведомством обычно понимают систему, состоящую из министерства или иного центрального органа государственного управления отраслевой или межотраслевой компетенции и органов, находящихся в его организационном подчинении.

<sup>4</sup>В ряде стран дальнего зарубежья, а также в большинстве стран СНГ прокуратура занимает самостоятельное место в системе разделения властей, не примыкая ни к одной из ветвей. Например, в старой редакции Конституции Беларусь 1994 г. в разделе VI «Государственный контроль и надзор» речь шла о Конституционном Суде, Прокуратуре и Контрольной палате РБ. В соответствии с новой редакцией Конституции РБ Прокуратура и Комитет государственного контроля РБ также не являются составной частью ни одной из классических ветвей власти. В нашей стране конституционно-правовой статус органов прокуратуры определен в разделе «Организация государственной власти» Конституции Республики Узбекистан в главе «XXIV Прокуратура».

<sup>5</sup> См.: Инструкция по организации и проведению авиакомпаниями стран СНГ расчетов за авиационные услуги и перевода за границу сумм превышения полученных в Республике Узбекистан доходов над расходами, утвержденную совместно НАК и Государственной инспекцией Республики Узбекистан по надзору за безопасностью полетов, зарегистрирована Министерством юстиции 12.05.1999 №723.

<sup>6</sup> См.: Постановление ГТК, ГАЖК, Минфина и Правления ЦБ Республики Узбекистан от 18.02.2009 «О внесении изменения в Порядок таможенного контроля и оформления ручной клади, багажа, валюты и валютных ценностей пассажиров, следующих железнодорожным транспортом», зарегистрировано Министерством юстиции 25.02.2009 № 619-2.

<sup>7</sup> При Кабинете Министров функционируют ряд комиссий с компетенцией контрольно-координационного характера. Они в основном занимаются контролем, координацией и совершенствованием государственного управления по определенным вопросам. В отличие от вышеперечисленных, их административная компетенция выражена не столь явно. Однако, наличие у них публично-распорядительных полномочий указывает на их принадлежность к административным органам. В качестве примера можно привести Комиссию по контролю за комплексной застройкой населенных пунктов при Кабинете Министров Республики Узбекистан (см.: Постановление Кабинета Министров РУз №41 от 12.02.2009) или Комиссию по экономии топливно-энергетических ресурсов (см.: Постановление Кабинета Министров РУз №518 от 18.11.2003). В положениях об этих комиссиях установлена обязательность их решений для лиц, не находящихся у них в организационном подчинении. Этого достаточно, чтобы сделать вывод о наличии у них административной компетенции.

Бобоқул ТОШЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, ю.ф.д.

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- ◆ Мақола халқаро интеллектуал мулк кунига бағишланган бўлиб, унда интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш орқали инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ёритилган.
- ◆ Статья посвящена международному дню интеллектуальной собственности, и в ней приведены правовые основы развития инновационной деятельности посредством коммерциализации объектов интеллектуальной собственности.
- ◆ The article is devoted to the International Day of intellectual property, and summarizes the legal basis for the development of innovative activity through commercialization of intellectual property.

**Таянч сўзлар:** Интеллектуал мулк, патент, инновация, товар белгилари, фундаментал тадқиқотлар.

**Ключевые слова:** Интеллектуальная собственность, патент, инновация, товарный знак, фундаментальные исследования.

**Key words:** Intellectual property, patent, innovation, trademark, fundamental research.

Интеллектуал мулкни тижоратлаштириш, яъни уни фуқаролик муомаласига киритиш иқтисодий ривожлантириш, янги технологик жараёнларни йўлга қўйиш, илмий тадқиқотларни манзилли молиялаштириш орқали уни ишлаб чиқариш билан боғлаш имконини кенгайтиради. Ривожланган мамлакатларда давлат бюджетидан молиялаштириладиган университет ва илмий муассасаларнинг улар томонидан яратилган илмий технологик фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солингани билан ажралиб туради. Бу мамлакатларда давлат интеллектуал мулкни фуқаролик муомаласига киритиш, яъни тижоратлаштириш жараёнини тезлаштириш учун бюджет маблағлари асосида яратилган интеллектуал мулкка, уларни бевосита яратувчиларига, яъни университетларга, давлат тадқиқот институтларига, ҳатто хусусий фирмаларга мутлақ ҳуқуқларни бериш йўлидан борган.<sup>1</sup> Масалан, Австрия, Дания, Германия, Японияда нисбатан яқинда бюджет маблағлари асосида яратилган “профессорлик имтиёзи” деб номланувчи, лекин бунда лицензия тўловларидан ҳисса кўринишида интеллектуал мулкни ишлаб чиқувчи муаллифлар манфаатларига риоя

қилувчи интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни амалга оширувчи қонунлар жорий қилинган.<sup>2</sup>

Хориж тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, университет ва давлат илмий тадқиқот институтлари номутлақ, лекин лицензия беришни кафолатловчи лицензия олишни афзал кўради, ваҳоланки, хусусий фирмалар ва кичик бизнес субъектлари хавф-хатарларни компенсация қилиш учун мутлақ лицензия олишни фойда деб билади. Умуман олганда, ихтиро ва ишланмаларни тижоратлаштириш жараёнига хусусий секторни рағбатлантиришнинг асосий принциплари бўлиб бюджет маблағлари асосида яратилган интеллектуал мулк объектларининг аниқлиги ҳамда давлат бюджети, муассаса маблағлари асосида яратилган худди шундай интеллектуал мулкни яратган интеллектуал мулк ҳуқуқларини тасарруф этиш ваколатининг берилиши ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига назар соладиган бўлсак, АҚШда 2008 йилда 456321 талабномадан 231588 миллий ва 224733 та хорижий талабномалар тақдим қилинганлиги ёки Хитойда 289838 талабномадан 194579 таси миллий талабномалар ва 94259 таси хорижий талабномалар миллий патент идораларига тақдим

килинганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Республикада ҳам интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, лекин ихтироларни миллий саноат иқтисодий айланмасига татбиқ этилиши, яъни лицензиявий шартномалар асосида тижоратлаштириш жараёни пастлигича қолмоқда. Ихтироларнинг лицензиявий шартномалар асосида рўйхатга олингани 13 фоизни ташкил қилади. Собиқ Давлат Патент идораси томонидан мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида 1200 га яқин саноат мулки объектларини иқтисод айланмасига татбиқ қилиш шартномаларига лицензия ҳуқуқлари берилган. Россия Федерациясида мазкур йўналишдаги амалиёт қиёсланганда, саноат мулки объектларининг 69000 тасига тижоратлаштириш шартномалари тузилган ва иқтисодга татбиқ қилинганини кўришимиз мумкин.

Илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мамлакат илмий-техникавий салоҳиятини ривожлантириш ва маҳаллий инновацияларни республика иқтисодининг базавий тармоқларига татбиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқаришга маҳаллий инновацияларни кенг кўламда татбиқ этиш макродаражада иқтисоднинг барқарор ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши, маҳаллий тадбиркорлар ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириши, тармоқларнинг импорт ўрнини босиш ва экспортга йўналтириш салоҳиятини ошириши, билимларнинг тарқалишига ва пировард натижада аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келиши мумкин.

Интеллектуал мулкнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланган ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, селекция ютуқлари, ахборот технологиялари объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар (тижоратлаштириш) ҳозирги вақтда қатор халқаро шартномалар ва битимлар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 5 та соҳавий қонун ва 140 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий актлар воситасида тартибга солинади. Бундай норматив-ҳуқуқий актлар ичида, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига биноан

амалий илмий ишланмалар ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этилишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар ва бошқа ҳўжалик бирлашмалари зиммасига модернизация ва янги технологиялар жамғармаларини, тармоқ ва корxonани инновацион ривожлантиришга жавобгар бўлган таркибий бўлинмалар, зарур ҳолларда эса лойиҳа — конструкторлик бюрларини ташкил этишда ҳўжалик бошқаруви органлари ва корxonаларга кўмаклашиш вазифаси юклатилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад инновацион ишланмаларни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига тадқиқотларни татбиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустақкам алоқасини таъминлаш кабиларни ўз ичига олади. Айнан мана шу қарор билан илмий тадқиқот муассасалари ҳамда ташкилотлари, лойиҳа конструкторлик ташкилотлари ҳўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга ошириладиган тадқиқот ишларини бажариш қисмида даромад солиғи, ягона солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғи ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилган.

Бундай инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этишдек вазифани амалга ошириш албатта фуқаролик муомаласида ҳаракат қилувчи мол-мулк объектлари ичидан жой олган интеллектуал мулк объектлари муомаласи билан чамбарчас боғлиқ. Аммо, интеллектуал мулкни тижоратлаштиришдек масала бундай объектларни яратиш, улардан фойдаланиш, фуқаролик муомаласига киритиш ва бошқача тарзда уни тасарруф этиш билан боғлиқ назарий ва амалий муаммолар борлиги кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 58-моддасига асосан ҳўжалик ширкати ва жамиятининг мол-мулкига пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа буюмлар ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар улуш сифатида қўшилиши мумкин. Уларнинг қиймати муассислар ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Баҳоланган фаолият тўғрисида»ги Қонунда интеллектуал мулк объектларининг пул қийматини баҳоланган шарт бўлган ҳолатлар белгилаб қўйилган. Қолаверса, бундай мулкни баҳоланган мезонлари ҳукуматнинг тегишли қарори билан ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Номоддий активлар ҳисоби» номли 7-сон Бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандартида ташкилот ихтиёридаги интеллектуал мулк объектлари мол-мулк балансининг номоддий активлар қисмида кўрса-

тилиши белгилаб қўйилган. Аммо, реал ҳаётда бундай имкониятлардан фойдаланиш коэффициентлари жудаям паст, биринчидан, баҳоловчи экспертлар, уларнинг тузилмалари мулк бозори инфраструктурасининг таркибий қисмидан ўзининг ўрнини бугунга қадар тўла топиб улгурмаганлар, иккинчидан, интеллектуал мулк соҳиблари ҳам ўзларининг ижод маҳсулларини товар сифатида тасаввур этолмаяптилар.

Давлатимиз фундаментал тадқиқотларга бюджетдан ажратиладиган маблағларни йилдан-йилга ошириб бормоқда. Фундаментал тадқиқотларни молиялаштириш амалдаги қонун ҳужжатларига гарчи тадбиркорлик тузилмалари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкинлигини мустаҳкамлаб қўйган бўлса-да, ҳозирда бундай амалиёт кузатилмапти. Шу билан бирга, саноат мулк объектлари (ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар ёки товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, фирма номлари)ни бозорга киритиш унчалик хавфли эмас. Яъни, бундай объектларни қанчалик бозорда муомалага киритишга ҳаракат қилсак, шунчалик унинг яратувчисига ҳам, мамлакат иқтисодиётига ҳам наф юқори бўлади.

Бугунги давр “Давлат маблағлари ҳисобига яратилган интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишни ўртага қўймоқда. Бўлғуси қонуннинг асосий мақсади ва вазифаси истиқболли илмий лойиҳаларни баҳолаш, жорий қилиш ва саноатда ўзлаштириш, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқувчи ва жорий қилувчи корхоналарга, авваламбор, юқори технологияларга асосланган саноат соҳаларига қўшимча рағбатлантириш ва имтиёзлар бериш ҳамда миллий инновацион тизимни яратиш ҳисобланади.

Муаммонинг долзарблиги — давлат манфаатдор бўлган илмий ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб қилиш зарурияти билан боғлиқ бўлган давлат маблағлари ҳисобига яратилган илмий фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқни тақсимладир. Янги технологияларни ўзлаштириш суръати инвестор ва олинган технологияларга эга бўлган ишлаб чиқувчи мутахассиснинг манфаатдорлигига боғлиқ. Шундай экан, давлат бюджетидан молияланадиган илмий техник фаолият натижаларига бўлган давлатнинг ҳуқуқи ва корхоналар ҳамда уларнинг ходимларини инновацион фаолиятга рағбатлантириш заруриятини ҳисобга олган ҳолда, бундай ишларни ижро этувчиларнинг ҳуқуқини бир-биридан аниқ ажратиб олиш зарур. Шунингдек, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни амалга оширувчи хўжалик субъектининг ва давлатнинг ҳуқуқидан фойдаланишни назорат қилувчи субъектнинг функциясини бир-биридан ажратиб олиш принципиал муҳим ҳисобланади.

Қандай ҳолатларда интеллектуал мулк объектларига бўлган корхонанинг ҳуқуқи давлатга ўтишини аниқ ўрнатиш ва бундай ҳуқуқларни амалга ошириш механизмини белгилаб қўйиш зарур. Давлатнинг илмий техник сиёсатида интеллектуал мулкнинг аҳамияти саноат ва иқтисодиётнинг ривожланишида технологик ютуқларнинг алоҳида муҳим рол ўйнаши билан белгиланади. Бу масалада давлатнинг манфаатлари олинадиган илмий техник натижаларнинг қиймати билан асосланади.

Давлат томонидан молияланиш ҳисобига яратилган интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуққа ва уни тижоратлаштириш масаласи АҚШнинг 1980 йиллар қабул қилинган иккита асосий қонун ҳужжати: Бея-Доул Қонунида (давлат қонуни № 96-517) ва Стивенсон-Уайдлер Қонунида (давлат қонуни № 96-418) ўз аксини топган. Мазкур қонунлар ҳукумат томонидан молиялаштирилган ва ишлаб чиқилган илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни рағбатлантиришга йўналтирилган. Бея-Доул Қонуни илмий текшириш ва конструкторлик экспериментал корхоналарнинг ҳукумат молиялаши ҳисобига, лекин ноҳукумат муассасаларда, масалан, университетларда, нодавлат тадқиқот муассасаларида олинган, патентланган натижаларига бўлган мулк ҳуқуқи соҳасига тегишлидир. Стивенсон-Уайдлер Қонуни эса, ҳукумат илмий тадқиқот лабораторияларида ва федерал бюджет ҳисобига тўғридан-тўғри молияланмаганда ташқи ҳамкорлар билан биргаликдаги тадқиқотлар довомида олинган, патентланган натижаларига бўлган мулк ҳуқуқи соҳасига тегишлидир.

Юқоридаги иккала қонун ҳам катта ҳажмдаги фундаментал тадқиқотларни оддий молиялаштириш Америка технологияларини тижоратлаштириш муаммосини ҳал қилмайди, деган асослардан келиб чиққан. Аксинча, технологияларни тижоратлаштириш — бу мунтазам жараён бўлмай, балки фундаментал тадқиқотларга маблағларни кўпайтириш, автоматик равишда қўшимча амалий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг яратилишига, натижаларни иқтисодиётга жорий қилиш ва тижоратлаштиришга олиб келади.

Ўтган асирнинг саксонинчи йилларида АҚШ муаммоси шундан иборат эдики, барча фундаментал фанларнинг юқори даражада ривожланганига қарамай, Америка тадқиқотларининг натижаларини бошқа мамлакатлар тижоратлаштирган. Иккинчи асос шундан иборатки, АҚШ ҳукумати ўзи томонидан молиялаштирилган ва яратилган интеллектуал мулкнинг самарали эгаси ҳисобланмайди. Юқоридаги қонунлар қабул қилинган вақтда АҚШ ҳукумати тахминан 28 000 патент эгаси эди. Бирок, улардан 5 фоиздан камроғига тижорат мақсадида фойдаланиш учун лицензиялар берилган.

1986 йилда тижорат компаниялари ва феде-

рал илмий муассасалари ўртасидаги кооперацион тадқиқотлар ва ишланмалар ҳақидаги махсус битимларни — “Биргаликдаги илмий тадқиқотлар ва ишланмалар ҳақидаги шартномалар” (Cooperative research and development Agreement) натижасини назарда тутувчи Федерал етказиб бериш бўйича Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун АҚШнинг барча манфаатдор фирмаларига федерал лабораторияларнинг илмий техник ресурсларига кириш имкониятини берди, бунда миллий хавфсизлик билан боғлиқ бўлган чекловлар киритилди. Қонунга мувофиқ биргаликдаги ишда иштирок этувчи иккала томон ҳам умумий ходимга, мулкка эга бўлиши, умумий хизматлардан фойдаланиши мумкин, бироқ федерал ҳукумат шартнома иштирокчиси бўлган хусусий компанияни тўғридан-тўғри молиялашни амалга ошира олмайди. Гарчи Стивенсон-Уайдлер Қонуни интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни аниқ тақсимлашни талаб қилмаса-да, у федерал ҳукуматга тегишли бўлган лабораторияларга хусусий корхоналар томонидан яратилган интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни етказиб беришга рухсат беради. Бея-Доул Қонунига мувофиқ, технологиядан дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам фойдалана олиш учун федерал ҳукуматга чақириб олинмайдиган, текин, мутлақ бўлмаган лицензия тақдим этилиши керак.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳисобига яратилган илмий тадқиқот натижаларига бўлган мулк ҳуқуқини таъминлаш кўпгина давлатларда долзарблигича қолмоқда. Интеллектуал мулк масалаларининг ноаниқ ёритилганлиги инвестицияларни жалб қилиш ва янги компанияларни очишга (старт-ап) сезиларли даражада тўсқинлик қилмоқда. Шу муносабат билан куйидагиларни амалга ошириш лозим:

интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни уларни ишлаб чиқувчи ташкилотларга (тадқиқот муассасаларига) мустаҳкамлаб қўйилиши;

бюджет маблағлари ҳисобига яратилган интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни илмий муассасалар ва университетлардан саноатга, уни тижоратлаштиришни тезлаштириш учун ўтказишни рағбатлантириш;

тижоратлаштиришга кўмаклашувчи алоҳида тадқиқотчилар, институтлар ва воситачилар ўртасида даромадлар улушларини мустаҳкамлаб қўйиш орқали илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш учун жавобгарлик тизимини шакллантиришда рағбатлантириш усулидан фойдаланиш.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, инновацион жараёнларни ривожлантиришда давлат тадқиқот муассасалари томонидан *янги корхоналарни яратиш*, Ўзбекистонда *кичик инновацион корхоналар (КИК)*ни соддалаштирилган процедуралар орқали ташкил қилиш ва тугатиш бўйича

чекловларни олиб ташлаш ҳамда хусусий-давлат ҳамкорлиги механизмларини ривожлантиришга кўмаклашиш муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Жаҳон тажрибасига суяниб, технологияларни тижоратлаштириш инфраструктурасини шакллантириш соҳасида ҳуқуқий таъминлашнинг куйидаги афзалликларига эътибор қаратиш лозим:

*Қайтиб бериладиган молиялаштириш.* Тижоратга оид катта лойиҳаларни қайтиб бериладиган давлат томонидан молиялаштириш имкониятини таъминлаши мумкин бўлган қайтиб бериладиган молиялаштиришни ҳуқуққа киритиш эҳтиёжи мавжуд.

*Биргаликда молиялаштириш механизми.* Тадқиқот жараёнларини ташкиллаштириш соҳасида хориж тажрибасининг алоҳида элементларидан фойдаланиш, жумладан, ишлаб чиқувчи муассасалар ва саноат фирмалари томонидан яратилган интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқни ўтказиш шароитида биргаликдаги тадқиқотларни ўтказиш тўғрисидаги битимлар амалиётини синовдан ўтказиш мақсадга мувофиқ. Агентлар, баҳоловчилар, мустақил экспертлар, аудиторлар, патент бўйича ишончли вакиллар сифатида фаолият юритувчи инфраструктуравий хусусий ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш ва ҳуқуқий асосларини яратиш.

*Инновацион жараён қатнашчиларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва бозор рақобатчилигини ривожлантириш.* Инновацион жараёнларни ривожлантириш учун жиддий тўсиқ бўлувчи, бозордаги фирмом рақобатни ва монополистик тенденцияни ушлаб туриш (ҳуқуқий механизмлар ёрдамида) зарурияти мавжуд. Миллий монополияга қарши курашувчи органларга бозордаги монополистик тенденцияни ушлаб туриш учун кўпроқ ҳуқуқ ва имкониятлар бериш тавсия этилади. Ўзбекистонда интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммоси кўпроқ ҳуқуқни қўллаш тизимига тааллуқли, шунинг учун инновацион фаолиятга тегишли бўлган мавжуд суд амалиётини ривожлантириш дастури ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилмоқда. Масалан, патент ишлари билан шуғулланувчи судьялар учун малака ошириш дастури зарур.

2002 йилдан буён *Германияда* тижоратлаштириш механизмини назарда тутувчи Бея-Доул ва Стивенсон-Уайдлер Қонунлари асосида киритилган қонунчилик амал қилади. Агарда, илгари академик секторда ишловчилар ихтиро қилганларида, улар томонидан яратилган интеллектуал мулкка нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган бўлсалар (“профессорлик имтиёзи” деб номланувчи), ҳозирда эса, хизмат мажбуриятлари доирасида яратилган ихтиролар иш берувчи-университетга тегишли. Бу билан академик сектордаги ихтирочи кейинги тадқиқотлари ёки ўқитувчилик

фаолияти жараёнида ўзининг ихтиросидан фойдаланиш учун номутлак лицензияни олиш ҳуқуқига эга. Ўз навбатида университет интеллектуал мулкка бўлган ўз ҳуқуқини даъво қилиши ёки бу ҳуқуқларни ходимга қолдириши мумкин. Бундан ташқари, университетларни яратилаётган интеллектуал мулкни бошқариш билан шуғулланишни зиммасига юкловчи қонун нормаси амал қилади. Бу амалий жиҳатдан 1980 йилдаги Стивенсон Уайдлер Қонуни ҳолатни такрорлайди.

1985 йили *Буюк Британияда* бюджет маблағлари ҳисобига олинган ихтироларга нисбатан давлат монополияси бекор қилинган эди. Қолган ҳолатларда юқорида кўрсатилган соҳа Буюк Британия қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, сиёсий ёки тавсиявий характерга эга бўлган ҳужжатлар билан тартибга солинади (худди 1993 йилдаги “Government White Paper, Realising our Potential” ёки “Guidelines for public sector purchasers of research and research providers”, университетлар ва институтларнинг ички сиёсати ва бошқалар). Алоҳида ҳолатларда истисно тарзида (масалан, миллий хавфсизликка риоя қилиш) интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни узатиш, “ҳуқуққа эгалик қилувчи яратувчи ҳисобланади” сиёсатида бўйсунди, бундай узатиш турли институтлар томонидан турли даражада ҳар қандай тарзда рағбатлантирилади.

1998 йилдан то ҳозирги вақтга қадар *Япония, Хитой* давлатларида, 1980 йил АҚШда қабул қилинган Бея-Доул ва Стивенсон-Уайдлер Қонунлари асосий принципларини амалда такрорловчи қонунчилик ривожланмоқда. Жанубий Африка Республикаси ва Филиппин 2009 йилда давлат маблағлари ҳисобига яратилган интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни тақсимлашга доир муносабатларни тартибга солувчи махсус қонун қабул қилди.

Амалиётда энг мушкул ва долзарб муаммолардан бири бу мулкдан тижорий фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантириш (интеллектуал мулкни тижоратлаштириш) ҳисобланади. Сабаби бундай муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилиши инвестицион ва инновацион фаолиятнинг якуний ижобий натижаларига эришиш имконини беради.

Корхонанинг (саноат ишлаб чиқаришнинг асосий бўғини сифатида) инновацион фаолиятини амалга оширишда интеллектуал мулкни тижоратлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини тизимли таҳлил этиш амалий қизиқиш уйғотади. Сабаби, мулкчилик муносабатларини самарали бошқариш саноатда бозор муносабатларини шакллантиришнинг асосий воситаси ҳисобланади ва пировард натижада корхона инновацион фаолиятининг самарадорлигини белгилайди.

Сўнги пайтларда корхона ва ташкилотлар мулкда (баланс ва сметасида) илгари маълум

бўлмаган «номоддий активлар» ва «номоддий асосий маблағлар» пайдо бўлмоқда, баҳолаш фаолияти ривожланмоқда, интеллектуал мулк ҳуқуқлари корхоналарнинг устав капиталига киритилмоқда ҳамда корхона ва ташкилот мулкнинг бир қисми сифатида ишлатилмоқда, алоҳида ҳуқуқ объектларидан фойдаланиш учун ҳуқуқни топширишнинг тижорат концессияси келишувлари ва ишонч бошқаруви бўйича топширишнинг янги келишув турлари шаклланимоқда ва ривожланмоқда. Интеллектуал меҳнат натижалари ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи давлатга тегишли бўлгани сабабли бундай тажриба социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари шароитида умуман кузатилмаган.

Бунда интеллектуал мулкнинг хўжалик (тижорат) оборотида жалб этиш муаммоси давлат даражасида юзага келди. Бугунги кунда Россия Федерациясида илм-фан ва технологиялар соҳасида илмий-техник фаолият натижалари ва интеллектуал мулк объектларининг хўжалик оборотида жалб этишда ҳуқуқий муносабатлар субъектлари, жумладан давлат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг мувозанатини таъминлаш ҳамда интеллектуал мулкни яратиш, ҳуқуқий ҳимоялаш ва фойдаланиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланган. Бу эса ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Илм-фан ва технологиялар соҳасида илмий-техник фаолият натижалари ва интеллектуал мулк объектларини яратиш, ҳуқуқий ҳимоялаш ва улардан фойдаланиш соҳасида қонунбузилишларини такомиллаштиришни кўзда тутувчи қонун ҳужжатлари, илмий-техника фаолияти натижаларидан давлат шартномалари асосида ва давлат эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартибини белгиловчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, интеллектуал мулкдан хўжалик мақсадларида фойдаланишнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ривожланаётган бозор муносабатлари шароитида интеллектуал мулк юридик шахс (корхона, ташкилот) мулкнинг энг муҳим объектларидан бирига айланмоқда. Унинг ёрдамида интеллектуал фаолият натижаларини яратиш, ҳуқуқий ҳимоялаш ва фойдаланиш соҳасидаги мулкнинг товар-пул муносабатлари амалга оширилади. Бу дега интеллектуал мулкнинг хўжалик юритувчи субъект (корхона, ташкилот ва тадбиркор) даражасидаги хўжалик обороти интеллектуал мулк ижтимоий бозорининг иқтисодий-ҳуқуқий моделини ифодалайди. Бунда ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг мувозанати таъминланиши орқали интеллектуал мулкнинг самарали хўжалик обороти интеллектуал фаолияти натижаларига бўлган талаб ва эҳтиёж яхлитлигини, илмий техник тадқиқот-

лар ривожини, уларнинг саноатдаги рўйи, янги турдаги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш ва бу орқали мамлакат иқтисодиётининг илмий техник тараққий этиши ва қайта тикланишини таъминлаши мумкин.

Корхона ва ташкилотлар фаолиятида интеллектуал мулк хўжалик оборотининг мулкнинг фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлари таҳлилининг қийинлиги интеллектуал мулкнинг хўжалик оборотида киритилиши ва унинг фуқаровий оборот иштирокчилари мулк сифатида фойдаланилиши турли вақтда ва баъзида қарама-қарши манфаатларни кўзловчи турли бозор муносабатлари субъектлари ўртасида вужудга келувчи ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, техник ва ижтимоий муносабатларнинг мураккаб комплекси сифатида намоён бўлади.

Шу боис алоҳида, ўз манфаатларига эга бўлган инновацион фаолият субъектларини ажратиш ва интеллектуал мулк тижоратлашуви жараёнида самарали бошқарувни амалга ошириш учун улар ўртасидаги муносабатларни таҳлил этиш лозим. Инновацион фаолият жараёнида интеллектуал мулк тижоратлашуви бозор муносабатларининг асосий субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳимдир.

Инновацион фаолият жараёнида интеллектуал мулк тижоратида бозор муносабатларининг асосий субъектлари жумласига қуйидагилар киради:

- давлат бошқаруви органлари;
- инновацион фаолиятда янги технологияларни бевосита яратиш ва фойдаланишни амалга оширувчи корхона;
- интеллектуал мулк натижалари кўринишидаги янги технологиялар муаллифлари;
- молиялаш орқали интеллектуал мулк яратилиши ва ундан фойдаланиш ҳамда янги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи инвесторлар;
- ўз ишланмалари ва бошқа ўхшаш интеллектуал мулк объектлари асосида маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқарувчи рақобатчилар;
- корхонанинг интеллектуал фаолияти объектларидан санкцияланмаган тарзда фойдаланувчи «қароқчи» — ишлаб чиқарувчилар ва қалбаки маҳсулот ишлаб чиқарувчилар.

Алоҳида инновацион фаолият субъектлари манфаатларининг амалий рўбарў келиши ва бозор муносабатлари объектлари назоратини амал-

га ошириш мумкин бўлган жой — бу маҳсулот (хизматлар) бозоридир.

Амалиётдаги энг мураккаб ва энг кам ишлаб чиқилган муносабатлар — бу бозор шароитидаги молиявий муносабатлар ва интеллектуал мулк объектларини ажратиш, ҳуқуқий ҳимоялаш ва фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар ҳамда интеллектуал мулкни корхона мулки сифатида инвентаризациялаш, расмийлаштириш, баҳолаш ва ҳисобга олиш билан боғлиқ масалалар ҳисобланади. Интеллектуал мулкнинг тижорий ишлатилиши билан боғлиқ муаммоларни қуйидаги асосий гуруҳларга бўлиш мумкин:

- корхонада интеллектуал мулк объектларини яратишда муносабатларни тартибга келтириш муаммолари;
- корхона ташқарисида яратилган интеллектуал мулкдан фойдаланиш учун мулкнинг ҳуқуқни олиш ва тўлаш муаммолари;
- интеллектуал мулк муҳофазаси ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш муаммоси;
- интеллектуал (саноат) мулкдан корхона мулки (номоддий активлари) сифатида тижорий фойдаланиш муаммолари, жумладан:
  - интеллектуал мулк объектлари инвентаризацияси;
  - мулкка эгаллик ҳуқуқини тасдиқлаш;
  - интеллектуал мулкни баҳолаш;
  - интеллектуал мулкнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит;
  - интеллектуал мулкка ва у орқали амалга оширилувчи операцияларни солиққа тортиш.
- Россиядаги «ПЕТРОПАТЕНТ» компанияси тажрибаси шуни кўрсатадики, «интеллектуал мулкни» хўжалик юритувчи субъектнинг (юридик ёки жисмоний) шахснинг «мулкига» айлантириш учун интеллектуал мулк тегишли равишда баҳолалиши, хўжалик юритувчи субъектнинг мулкка эгаллик ҳуқуқининг юридик равишда расмийлаштириш ва хўжалик юритувчи субъектнинг мулк сифатида тегишли бухгалтерлик ҳисобига олиш (бухгалтерлик балансига қўйиш ёки сметада ҳисобга олиш) лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда инновацион иқтисодиётга ўтишда инновацион фаолиятни ҳуқуқий муҳофазага олиш, унинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, халқаро ҳуқуқий нормаларга ва тажрибага асосланган механизмларни яратиш катта фойда бериши мумкин.



<sup>1</sup> Козырев А.Н. Развитие законодательства об интеллектуальной собственности. <http://www.akdi.ru/pravo/iam/1/him#4>

<sup>2</sup>Mario Cervantes, Academic Patenting: How universities and public research organizations are using their intellectual property to boost research and spur innovative start-ups. [http://www.wipo.int/sme/en/documents/academic\\_patenting.html](http://www.wipo.int/sme/en/documents/academic_patenting.html)

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,  
Тошкент Давлат юридик университети  
“Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори, ю.ф.д.

## ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ ЖАРАЁНИДА ЮРИСПРУДЕНЦИЯ СОҲАСИ БЎЙИЧА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

- ◆ Мақолада таълим ислоҳотлари жараёнида юриспруденция соҳаси бўйича кадрларни тайёрлашнинг миллий ва хорижий тажрибаси ёритилган.
- ◆ В статье приводится национальный и зарубежный опыт подготовки кадров в сфере юриспруденции в процессе образовательных реформ.
- ◆ The article provides a national and international experience of training in the field of jurisprudence in the process of educational reform.

**Таянч сўзлар:** юриспруденция, таълим, тарбия, Тошкент Давлат юридик университети, модули тизим.  
**Ключевые слова:** юриспруденция, образование, воспитание, Ташкентский государственный юридический университет, модульная система.  
**Key words:** jurisprudence, education, upbringing, Tashkent state university of law, the modular system.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш юридик таълим соҳасини модернизация қилишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат раванқининг энг асосий шarti ва гарови деб билган. Албатта, таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди. “Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмдорлик қиладиган аср. Кимки, бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмас, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмас — бундай давлат жаҳон та-

раққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июнда қабул қилинган “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, Тошкент Давлат юридик институти Тошкент Давлат юридик университетига айлантирилди, юридик таълим тизимининг фундаментал асосларини тубдан ислоҳ қилиш ва яхшилашнинг пойдевори яратилди<sup>2</sup>.

Маълумки, таълим — бу инсон, жамият, давлат манфаатлари йўлида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, шахс ва жамиятнинг ахлоқий, ақлий, руҳий ва жисмоний ҳолатининг доимий такомиллашуви мақсадида билимларни эгаллаши ҳамда янги авлодга ўтказилишига йўналтирилган тарбия ва ўргатиш жараёнидир.

Юридик таълим ва ҳуқуқий хулқ-атвор узвий бир-бири билан боғлиқ категориядир<sup>3</sup>. Глобаллашув шароитида юриспруденция энг зарурий ихтисослик йўналишлардандир<sup>4</sup>. Юридик таълим муассасаларига инновацион таълим усулларини

татбиқ этиш, уни бошқариш тизимининг янада самарадорлигига эришишни зарурият қилиб кўяди<sup>5</sup>. Энг муҳими, ҳар бир юридик фан соҳаларини ўқитишда аънонавий ва янги ёндашув нуқтаи назаридан баҳо бериш ҳуқуқий таълимнинг сифатига эришишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади<sup>6</sup>. Юридик таълимни замонавий лойиҳалаштириш унинг истиқболлини белгилаб беради<sup>7</sup>.

Сўнгги йилларда таълим муассасалари билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда<sup>8</sup>. Ҳатто билимларни бошқаришнинг туб иқтисодий ва инновацион жиҳатларига аҳамият берилганлиги диққатга сазовордир<sup>9</sup>. Ҳозирги глобаллашув шароитида электрон ахборот ва билимларни бошқаришнинг инновацион жиҳатларини, инновацион ғоялар ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишга катта аҳамият берилмоқда. Юридик таълим сифатини ошириш бошқача айтганда, таълимда талабалар ва магистрларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда уни ривожлантириш таълим соҳасида бошқарувнинг устувор йўналишига айланмоқда.

Юридик соҳадаги кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий шартларидан бири — бу янги илмий асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий таълимни босқичма босқич ихтисослаштиришдир.

Олий таълимни модернизация қилиш мақсадида биринчидан, олий таълим олиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи эканлигини тўлиқ англаш ва ўқув жараёнининг сифатини тубдан яхшилаш, иккинчидан, асосий йўналишлари бўйича унинг тузилмасини тартибга солиш, жамият ва ишлаб чиқаришнинг долзарб ва истиқболли талаблари асосида фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш зарур. Шунини таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий таълимнинг ўзига хос фарқ қилувчи жиҳати юридик фаолият юритиш хусусиятлари билан узвий боғлиқдир. Ҳуқуқий таълим бериш жараёни замон талабларига жавоб бериши, ҳуқуқни амалда қўлланишини таъминлай олиши лозим. Бутун дунёда ҳуқуқий таълим алоҳида ўрин эгаллайди. Бунинг сабаби ҳуқуқий билимлар жамиятни илғор тараққий этишига, миллатнинг хавфсизлигига, сиёсий ва иқтисодий барқарорлигига ҳамда шахснинг ҳуқуқий эркинлигига кафил бўла олади. Бугунги кунда бутун жаҳон ҳуқуқ соҳасига юз тутмоқда. Масалан, АҚШ талабаларидан 50 фоиз, Буюк Британия талабаларидан 40 фоиз юридик олий таълим муассасалари талабаларидир.

Мамлакатимизда юридик кадрларни тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боис

ривожланган давлатлар тажрибасини инобатга олиб, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштириб борилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>10</sup> ги Қарорининг аҳамияти беқиёсдир. Ушбу қарор амалга оширилган демократик ва ҳуқуқий ислохотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ва замонавий халқаро стандартларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Тошкент Давлат юридик университети «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий давлат олий таълим ва илмий-методик муассасаси бўлиб ҳисобланади. Мазкур университетнинг асосий вазибалари ва фаолияти йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Биринчидан, давлат ҳуқуқи ва бошқаруви, жиноят ҳуқуқи ва процесси, фуқаролик ҳуқуқи ва процесси, тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи), халқаро, халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи ва юридик таълимнинг бошқа устувор йўналишлари бўйича талабаларнинг фундаментал базавий, шунингдек амалий касбий тайёргарлигини таъминлайдиган дастур ва ўқув режалари асосида бакалаврлар, магистрлар тайёрлаш.

Иккинчидан, ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда таҳлилий фикрлаш ва улардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришни таъминлайдиган ўқитишнинг замонавий шакл ва усуллари, педагогик, ахборот-коммуникация, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш.

Учинчидан, давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш, ушбу соҳадаги халқаро тажрибани ўрганиш; ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этишни таъминлаш.

Тўртинчидан, мамлакатдаги ўрта махсус, касб-ҳунар, шунингдек олий юридик таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлар бўйича дарс бераётган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, улар учун замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлар, ўқув-методик материаллар яратиш.

Бешинчидан, талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича самарали тизим-

ни яратиш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш.

Олтинчидан, университетнинг ўқув ва илмий бўлинмаларини ўқитишнинг замонавий шакллари ва методларини эгаллаган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юридик бўлинмаларида амалий иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш; шартнома асосида хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим, тадқиқот муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини ўқув, илмий-методик ишларни ташкил этиш ва ўтказиш учун жалб этиш.

Тошкент Давлат юридик университетининг тизимида ташкил этилган Ҳуқуқий тадқиқотлар марказининг асосий вазифаларига: давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, шунингдек, мамлакатда қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш; марказ томонидан ўтказиладиган илмий тадқиқотларга ТДЮУ ва республиканинг бошқа юридик таълим муассасалари ўқитувчилари, катта илмий ходимизланувчилари ва талабаларини кенг жалб этиш; университетнинг ўқув режалари ва дастурларига жорий этиш учун Марказ томонидан ўтказиладиган тадқиқотлар натижалари асосида юридик фанларни ўқитиш сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг норма ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг бошқа соҳаларида фойдаланиш учун юридик фан ва амалиётнинг долзарб муаммолари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар ва тавсиялар тайёрлаш кабилар кирди.

Тошкент Давлат юридик университетининг бакалавр ва магистрларни тайёрлаш дастурлари юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўқув жараёнини таълим беришнинг модулли тизимини қўллаган ҳолда умумэтироф этилган халқаро таълим стандартлари ва талабаларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда талабаларда таҳлил қилиш қобилиятини, тизимли таҳлил қилиш ва юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган таълим дастурлари асосида олиб бориш; талабаларнинг давлат-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, халқаро-

ҳуқуқий, тадбиркорлик-ҳуқуқий (бизнес ҳуқуқи) ва бошқа юридик фаолият соҳаларида билим ва амалий кўникмаларни чуқурроқ эгаллаш заруратини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган ҳолда таълим бериш дастурлари доирасида махсус ҳуқуқий фанлар бўйича ўқув юкларини ҳажмини ошириш; замонавий шакллари («кейс-стади», илмий презентациялар, жамоада ишлаш ва бошқалар) жорий этган ҳолда амалий машғулотлар ҳажмини, шунингдек, бакалавр ва магистрларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ишлаб чиқариш, хўжалик, тижорат корхоналари, молия-банк ҳамда бошқа муассасаларда малака амалиёти давомийлигини ошириш кабилар шулар жумласидандир.

Тегишли манфаатдор орган ва идоралар ўқув амалиётининг ўқув дастурларига мувофиқ талабаларнинг ўқиш даврида олган амалий ва назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тегишли бўлинмаларида мажбурий стажировкаларини ташкил этишда университетга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш; идоравий тузилмаларнинг раҳбар таркиблари, масъул ходимлари томонидан университетда махсус юридик фан ва предметлар, қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари, ҳуқуқни қўллаш фаолияти бўйича маъруза ўқиш (шу жумладан, соатбай ҳақ тўлаш шартларида), машғулотлар ўтказишни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Юридик таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг модулли тизими янгилик бўлиб ўзига хос жиҳатларига эга. Педагогик тадқиқотларда “модул” тушунчасига турли хил таърифлар билдирилган. Хусусан, модул — бу билимларни назорат қилиш билан ҳамроҳланган, яхлитлик ва тугалланганликка эга ўқув ахборотидаги мантиқий белгиланган қисм сифатида эътироф этилган таърифлар мавжуд. Айрим олимлар томонидан бошқача таърифлар ҳам берилган. Ўқув-модуль ҳар бир ўқув топшириқларини бажариш вақти, назорат ва ҳисобга олиш усуллари, ўқув материаллари (параграф, мавзу, бўлим, фан интегралланган курс)ни ўрганиш бўйича хос тарзда ўқув модули уни ўрганишнинг кўпроқ оқилона шакл ва методлари билан биргаликда одатий ўқув дастурлари мавзу (бўлим)ларини акс эттиради<sup>11</sup>.

Маълумки, модулли ўқитишнинг моҳияти шу билан изоҳланадики, унга кўра, таълим олувчи ўзига тақдим этилган индивидуал ўқув дастури асосида мустақил тайёргарлик кўради. Бу ўқув дастурини бажариш учун ҳаракатларнинг режаси, ахборотлар мажмуаси, ўқитиш натижаларига эришиш бўйича аниқ методик тавсияномалар бўлиши зарур. Модулли ўқитишнинг асосий талабла-

ри жумласига қуйидагилар киради. Ҳар бир модулнинг мазмунига барча материални ўзлаштириб олиш бўйича мақсад белгилашни; модул бир ва бир неча дидактик мақсадга эришишни таъминлашга қаратилиши; модуллар мазмуни мустақил фикрлаш, мантиқий ўйлаш ва амалий фаолиятга йўналтирилган бўлиши; касбий ижодий фикрлашни ривожлантириш мақсадида модулнинг ўқув материаллари мазмуни муаммоли тарзда берилишига эришиш шулар жумласидандир. Модулли ўқитишда таълим олувчиларнинг билим, малака, кўникмаси қатъий равишда назоратнинг рейтинг тизимида баҳоланишини зарурият қилиб қўяди.

Ҳар бир модул бўйича тайёрланадиган ўқув материаллари ўз ичига ўқиш даврини тўлиқ қамраб олган модулли дастур, ҳар бир модул бўйича назарий материаллар (маъруза), ўқув-услубий тарқатма материаллар, ҳар бир модул бўйича индивидуал топшириқлар, ўқув-илмий адабиётлар рўйхати, ҳар бир модул бўйича мустақил ишлар учун топшириқлар ва ҳар бир модул бўйича назорат топшириқларини қамраб олади.

Юридик таълим тизимида модулли ўқитишнинг жорий этилиши малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ҳар қандай тизимга жорий этилган янгиликнинг самараси унинг иштирокчилари томонидан пухта ўзлаштириб олинган тақдирдагина ўзининг натижасини бериши мумкин. Шу боис юридик таълимни модулли ўқитиш асосида ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида унинг мониторингини ташкил этиш мавжуд субъектив ва объектив муаммо ва камчиликларни ҳал қилиш имкониятини яратди. Айниқса, бу борадаги илғор тажрибаларни семинар-тренинглар асосида муҳокама этиб, ташкилий чора-тадбирларнинг кўрилиши модулли ўқитишнинг замона-

вий шакл ва усулларини юридик таълим жараёнига татбиқ этиш имконини беради.

Юридик таълимга бўлган давлат ва жамиятнинг эҳтиёжи жуда ҳам ортиб бораётганлиги, айниқса, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларини амалиётда қўллаш тажрибасига эга бўлган етук мутахассисларни тайёрлашнинг объектив заруриятини инобатга олишни тақозо этмоқда. Энг муҳими, бугунги талаба ва магистрнинг ўқув дастурларини ўзлаштириш бўйича зиммасига юклатилган вазифасини теран ҳис қилиши, юридик олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг нафақат касбий маҳорати, шу жумладан, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича етарли билим ва тажрибага эга бўлиши лозим. Ривожланишнинг ҳозирги инновацион босқичида юридик таълим соҳасида янги истиқболли даврнинг бошланганини инобатга олсак, ўтмишдан фарқли ўлароқ, нафақат давлат органларига балки фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ҳам малакали юрист кадрларни тайёрлашни зарурият қилиб қўймоқда. Меҳнат бозоридаги рақобат мутахассисдан етук малака ва тажрибага эга бўлиши талаб этмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юридик таълимни модернизация қилиш — бу мураккаб ва тадрижий жараён дур. Шунинг учун юридик таълим жараёнининг чуқур ўйлаб босқичма-босқич ислоҳ қилиниши жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишга имкон беради. Шубҳасиз, юридик таълим соҳасида инновацион ислохотларни амалга ошириш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг объектив эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларнинг янги авлодини тарбиялашнинг ғоятда муҳим ва ҳал қилувчи омили бўлиб хизмат қилади.



<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. — Т.:Ўзбекистон, 2009. — 30. б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажакимизнинг асосий омилidir. // Халқ сўзи. 2013 йил 8 декабрь.

<sup>3</sup> Кобликов А.С. Юридическая этика. — М.: 1999.

<sup>4</sup> Йўлдошев Ж. Ҳуқуқий таълим // Маърифат. 2013 йил 2 ноябрь; Кличкова А.В. Морально-нравственные ценности и правосознание будущих юристов // Вестник Московского университета серия 11. Право 2012. №5. 51с. Синцов Г.В. К вопросу об этическом воспитании юристов в современной России // Российская юстиция. 2012. №11. — С. 37.

<sup>5</sup> Силченко Т.В. Инновационные методы и критерии в системе управления ВУЗом // Европейский юридический журнал. 2012, №7. — С. 20.

<sup>6</sup> Гусейнова Л.В. Лекция по гражданскому праву: традиционность и новые подходы // Закон и право. 2012. №7. — С. 34.

<sup>7</sup> Наговицин С. Г. Проектирование образовательного пространства в юридическом вузе // Закон и право 2012. №7. — С. 116.

<sup>8</sup> Грудина Л.Ю. Правовой статус научных организаций образовательных учреждений высшего профессионального образования // Закон и право 2012. №11. — С. 12.; Аргунов А.Ю. О разработке моделей межведомственного взаимодействия при осуществлении процедур контроля оценка качества образования // Закон и право 2012. №11. — С. 19. Ефимцева Т.В. Правовое положение малых инновационных предприятий // Юрист. 2012. №18. 18с. Савченко М.В. Становление организационно-правовой формы вузы европейских государств // Закон и право 2013. №4. — С. 62

<sup>9</sup> Мильнер Б.З. Управление знаниями в современной экономике. — М.: 2008. Мильнер Б.З. Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями — М.: 2010.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 372-модда.

<sup>11</sup> Подласый И.П. Педагогика. — М.: Высшее образования. 2006. — С. 379.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудир, ю.ф.д.

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ — ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШНИНГ МУҲИМ ГАРОВИ

- ◆ Мақола мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган.
- ◆ Статя посвящена развитию, поддержке субъектов частного предпринимательства в стране, а также вопросам правовой защиты их деятельности.
- ◆ The article is devoted to the development, supporting of private businesses in the country, as well as the legal protection of their activities.

**Таянч сўзлар:** тадбиркорлик, рақобат, қўллаб-қувватлаш, преференция, ҳуқуқий ҳимоя.

**Ключевые слова:** предпринимательство, конкуренция, поддержка, преференция, правовая защита.

**Key words:** entrepreneurship, competition, support, preference, legal protection.

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан босқичма-босқич равишда собитқадамлик билан бормоқда. Ўтган йигирма икки йил давомида мамлакатимиз бу борада улкан ютуқларни қўлга киритди. Мустақил давлатчилигимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий негизлари яратилди ва фаол ривожлантириб берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги "Обод турмуш йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида уни амалга оширишнинг асосий устувор йўналишларидан бири этиб жойларда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришда маҳалла институтини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва аҳамиятини ошириш, улар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш белгиланган эди. Мазкур устувор йўналишдаги вазифаларни амалга оширишда 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш концепцияси»да қабул қилиниши тақдир этилган мазкур Қонунда фуқаролар йиғинлари ҳудудларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликнинг ривожлантирилишини рағбатлантиришга қаратилган қатор нормалар ўз ифодасини топди. Хусусан, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

биринчидан, тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

иккинчидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолияти субъектларини, шу жумладан, сартарошхоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикиш бўйича устаноналар, халқ ҳунармандчилиги цехларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва улар фаолиятини тугатиш;

учинчидан, тегишли ҳудуд доирасида жойлашган (яшаётган) тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик субъ-

ектлари томонидан кредитлар олиншида белгиланган тартибда кафил бўлиши белгиланди.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказларини ташкил этиш ва ушбу марказларнинг ваколатларига доир нормалар ўз ифодасини топди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида аҳоли фаровонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни янада ривожлантириш каби вазифалар ҳам назарда тутилган бўлиб, Олий Мажлис Сенатининг 2013 йилда бўлиб ўтган ялпи мажлисларида маъқулланган қатор қонунлар ўз мазмун-моҳияти билан юқоридаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишни назарда тутди. Хусусан, 2013 йил 30 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Хўжалик процессуал кодексига хўжалик судига даъво, илти-моснома ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда маълумотлар алмашишнинг электрон воситалари орқали муружаат қилиш, шунингдек, маълумотлар алмашишнинг электрон воситалари орқали суд муҳокамаси қатнашчиларини хабардор қилиш имкониятини бериш ва уларга суд ҳужжатларини ҳамда бошқа хат-хабарлар юборишни назарда тутувчи нормалар киритилди. Ўз навбатида судлар фаолиятига электрон ҳужжатлар айланишини жорий этиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита мулоқотсиз электрон шаклларини кенгайтириш, энг аввало, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга, қолаверса, юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ишлаш самарадорлигини оширишга, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

2013 йилда "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинганлиги ва амалга киритилганлиги ҳам муҳим янгилек бўлди. Мазкур қонун маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнлари, менежмент тизимлари ва ходимларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш, ички ва ташқи бозорларда маҳсулот ҳамда хизматларнинг рақобатбардорлигини ошириш, халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик ва жаҳон савдо алоқаларида иштирок этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда давлатнинг ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш масалаларини тартибга солишда му-

ҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

2013 йил 8 октябрда кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонун билан назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бўладиган ўзаро муносабатларда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида Хўжалик процессуал кодекси, Божхона кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин этилишини назарда тутувчи тегишли моддалар билан тўлдирилди. Шунингдек, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун хусусий банк ва бошқа хусусий молия институтларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар беш йилда кўпи билан бир марта амалга оширилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди.

Тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини ва даромадлари ошишини таъминлаш мақсадида Солиқ кодекси Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашлари — фермер хўжалиklarининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фермер хўжалиklarининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларида давлат божини тўлашдан озод қилиниши, томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган юридик шахслар беш йил муддатга ягона ер солиғини тўлашдан озод қилинишлари тўғрисидаги норма билан тўлдирилди. Шунингдек, мазкур кодексга пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари солиқдан озод этилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона ҳамда бошқа тўловлар бўйича қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар бериш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яра-

тилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур қонун билан Божхона кодекси товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейинги божхона назорати товарлар чиқишига рухсат берилган пайдан эътиборан уч йил мобайнида, божхона тўловларини қўшиб ҳисоблаш эса товарлар чиқишига рухсат берилган пайдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилиши ўз ифодасини топди. Ундан ташқари, юридик шахслар текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари суммаларини, шунингдек молиявий санкциялар суммаларини тўлашни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида тенг улушларда амалга оширишга ҳақли эканлиги белгиланди. Шунингдек, қарзни тўлаш вақти ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун ундириладиган пеня миқдори ҳам камайтирилди. Аввал бу миқдор 0,05 фоиз бўлган бўлса, эндиликда бу 0,033 фоиз бўлди. Божхона кодексидан юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган санкциялар чиқариб юборилди.

2013 йилда мамлакатимизда кредит, қарз ва бошқа молиявий операцияларни расмийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш, молмулкни гаровга қўйган ҳолда молиявий хизматлар кўрсатаётган кредиторларнинг хатарларини камайтириш эвазига кичик бизнес тузилмаларини молиялаштиришни кенгайтиришни назарда тутувчи "Гаров реестри тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур қонун қарздор ўз маж-

буриятлари лозим даражада бажарилишини таъминлаши билан боғлиқ бошқа талаблар ҳақидаги ёзувларни ўз ичига олган маълумотларнинг ягона ахборот базаси яратилишига ҳуқуқий замин яратади, молиявий хизматлар бозорида mijozларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, рақобатни кенгайтириш имконини беради, энг юқори халқаро стандартларга мувофиқ замонавий бозор инфратузилмаси шаклланишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб ном берилган 2013 йилда кенг қўламда амалга оширилган ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, жойларда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг қонунчилик асосларининг такомиллаштирилиши:

биринчидан, бозор ислохотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилишга, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга;

иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини оширишга;

учинчидан, экспорт салоҳиятини ривожлантиришга;

ва энг муҳими, аҳоли бандлигини ва даромадлари ошишини, бир сўз билан айтганда, халқимиз турмушининг фаровон ва обод бўлишини таъминлашга хизмат қилади.



<sup>1</sup> "Халқ сўзи" газетаси. 2013 йил 1 июль.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи». 18.01.2013

Ойбек КАМАЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи,  
ю.ф.н., доцент

## ТОВАРЛАРНИ ШАРТНОМА БЎЙИЧА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

- ◆ Мақолада амалдаги қонунчиликка мувофиқ маҳсулот етказиб бериш шартномасининг тартиби ва амал қилиш муддатларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган ва бозор ислохотлари, иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга қаратилган амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар шакллантирилган.
- ◆ В статье проанализированы характерные особенности порядка и сроков действия договоров поставки, согласно действующему законодательству, а также сформулированы предложения по совершенствованию действующего законодательства, направленные на дальнейшее углубление рыночных реформ и либерализации экономики.
- ◆ The article deals with the characteristic features of order and expiration dates of the contract delivery under the legislation in force. On the basis of the investigation some concrete proposals are formed by the author on perfection of legislation in force directed further deepening market reforms and liberalization of economy.

**Таянч сўзлар:** маҳсулот, (маҳсулот) етказиб бериш шартномаси, мажбуриятларни амалга ошириш, фуқаровий ва ҳуқуқий жавобгарлик, бозор иқтисодиёти, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома.

**Ключевые слова:** товар, договор поставки, исполнение обязательств, гражданско-правовая ответственность, рыночная экономика, гражданско-правовой договор.

**Key words:** commodity, delivery contract, discharge of obligations, civil and legal liability, market economy, civil contract.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш муносабатларининг барқарор ўсишини таъминлаш, товарларни ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, ўз навбатида маҳсулот етказиб бериш шартномаси институтига бўлган эҳтиёжнинг доимий тарзда мавжудлигини кўрсатади. Зеро, мулкчиликнинг турли шакллари асосланган бозор иқтисодиёти муносабатларида тадбиркорлик фаолиятида фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан кенг қўлланилиши табиийдир. Аини пайтда маҳсулот етказиб бериш шартномаси тез суръатларда ривожланаётган ўзининг ҳуқуқий тузилишига эга. Агар ярим аср илгари маҳсулот етказиб бериш шартномасининг олди-сотдидан муҳим фарқи сифатида адабиётларда таъкидланганидек, "маҳсулот етказиб беришда шартномани тузиш ва бажариш ўртасида муайян вақт оралиғи тахмин қилинган бўлса", ҳозирда эса маҳсулот етказиб бериш шартномасининг моҳиятида туб ўзгаришлар бўлиб, янгича маъно-мазмунга эга бўлмоқда. Мазкур ҳолат назаримизда, жамият иқтисодий ҳаёти-

да давлатнинг ўрни ўзгарганлиги ва шартномавий муносабатларнинг ривожига билан боғлиқдир. Бинобарин, бугунги кунда замонавий шартномавий муносабатларнинг ўсиш суръатларини тавсифловчи ҳар бир шартноманинг таркибий элементларини юридик адабиётларда таҳлил қилишга кенг эътибор қаратилиши кузатишмоқда. Хусусан, М.Н.Марченко тўғри таъкидлаганидек, шартномавий муносабатларнинг ривожланиши нафақат иқтисодий зарурият билан, балки демократик ривожланаётган фуқаролик жамиятидаги ижтимоий-сиёсий ҳолат, қолаверса, аксарият давлатларда ҳуқуқий давлат қуриш конституциявий жиҳатдан белгиланган бир шароитда, муносабатларни тартибга солишнинг шартномавий шакллари қўллашга бўлган эҳтиёж билан боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, маҳсулот етказиб бериш шартномаси унинг иштирокчилари ўртасида мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи юридик факт ҳисобланади. Умумий қоида бўйича шартнома, агарда қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг ўзаро келишувида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, учинчи шахс-

лар учун мажбуриятларни вужудга келтирмайди. Бинобарин, шартнома натижасида вужудга келадиган мажбуриятлар контрагентлар томонидан лозим даражада бажарилиши лозим. Бошқача айтганда, И.П.Кучер тўғри таъкидлаганидек, маҳсулот етказиб бериш шартномаси фуқаролик ҳуқуқининг институти сифатида нафақат маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги муносабатларни белгилаб берувчи муайян ҳуқуқий ҳужжат сифатида, балки ундаги диспозитив нормаларнинг миқдори ва тарафлар имкониятларининг аҳамиятидан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий тартибга солишга асосланган ҳолда маҳсулот етказиб бериш бўйича аниқ ўзаро алоқаларни ташкил этишнинг усули, мустақил шартнома бўлиб ҳисобланади.

Ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартнома каби, маҳсулот етказиб беришга оид шартномавий муносабатлар иштирокчиларининг асосий мақсади уларнинг шартнома тузишда ва унинг ижросини таъминлашда кўзлаган манфаатларини амалга ошириш ҳисобланади. Бу борада қарздорнинг хулқ-атвори шартнома, тегишли қонун ҳужжати, агарда уларда тегишли нормалар бўлмаган тақдирда — иш муомаласи одатларида белгиланган мажбуриятларнинг барча шартларига тўлиқ мос келиши лозим. Бинобарин, маҳсулот етказиб берувчи-сотувчининг шартномани бажаришга қаратилган ҳар бир хатти-ҳаракати юридик аҳамиятга эга бўлиб, у ихтиёрий тарзда (белгиланган мажбуриятни бажаришга қаратилган) ва қонуний бўлиши даркор. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажариш тартиби ва шартларини шакллантирувчи мазкур талабларнинг мажмуи шартномавий мажбуриятларни лозим даражада бажариш тамойилини ташкил этади.

Дарҳақиқат, ушбу тамойил фуқаролик қонунчилигида ҳамда шартнома амалиётида кенг қўлланилиб, ФКнинг 236-моддасига асосан, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Илмий адабиётларда ушбу талаблар мажмуи "лозим даражада бажариш" тамойили ёки "шартнома интизоми" (яъни шартнома тарафлари томонидан ўзларининг барча мажбуриятларини ўз вақтида ва аниқ бажариш зарурлигини тақозо этиш) деб номланади. Айти пайтда назаримизда, мажмуи "лозим даражада бажариш" тамойили бошқа тамойил — шартномада назарда тутилган ҳаракатни пул суммасига алмаштиришга йўл қўйилмаслигини акс эттирадиган "мажбуриятни реал бажариш" тамойилининг мавжудлигини таҳмин қилади. Аммо, ушбу нуқтаи назар ҳам пулнинг алмаштириш воситаси сифатида универсал функцияга эга эканлиги сабабли, ҳар доим ўз мақ-

садига эга эмас. Чунончи, айрим ҳолатларда маҳсулотни бошқа маҳсулотга алмаштиришни амалга оширишдан кўра, унинг ўрнига муайян суммадаги пулни олиш фойдали ҳисобланади. Масалан, ФКнинг 408-моддасига мувофиқ, тегишли даражада сифатли бўлмаган товар топширилганда, сотиб олувчи ФКнинг 434-моддасидаги қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлишини назарда тутати:

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

қўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, маҳсулот етказиб бериш шартномасида "лозим даражада бажариш" тамойилини фақат товар билан чеклашга асос йўқ бўлиб, бу ўринда муайян суммадаги пул миқдорини олиш имконияти ҳам мавжудлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Юридик адабиётларда "мажбуриятларни реал бажариш" ва "мажбуриятларни натура тарзида бажариш" каби мазмун жиҳатдан бир хил маънони англатадиган тамойилларга оид нуқтаи назарлар ҳозирги пайтда ҳам кенг қўлланилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Тўғри, шартнома ҳуқуқининг принципларини асослашга оид янги концепцияларни ишлаб чиқишга уринишлар бўлмоқда, аммо улар ҳам муваффақиятли чиқарилганлиги кузатилмаяпти. Жумладан, А.А.Павловнинг фикрича, "мажбуриятларни реал бажариш" ва "мажбуриятларни натура тарзида бажаришга мажбур қилиш" тамойилларининг мақсад ва воситалари ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд, яъни мажбуриятни натура тарзида бажаришга мажбур қилиш, биринчидан, мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланишида фақат "аномал ҳолат"да бўлади, иккинчидан, зарур натижага эришишнинг ягона воситаси бўлиб ҳисобланади. Ҳимоянинг бошқа усуллари, хусусан, мажбуриятни қарздор ҳисобидан бажариш ҳам кўрсатилган мақсадга эришишда лаёқатли ҳисобланади.

Бизнинг фикримизга кўра, ушбу нуқтаи назар мантиқан тўғри эмас, чунончи, "мажбуриятни реал бажариш" ва "мажбуриятни натура тарзида бажаришга мажбур қилиш" ўзида мақсад ва воситаларни ифода этмайди, балки мажбуриятларни лозим даражада бажаришдан кутилаётган нати-

жага эришишнинг турли усуллари бўлиб ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, амалдаги фуқаролик қонунчилигида мажбуриятларни реал бажариш деганда, эквивалент миқдордаги пул суммасини олиш (эвазига бошқа товарни қабул қилишнинг салбий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда) тушунилади. Айнан ушбу даврдан сотиб олувчи кутилган натижани (фойдани) олганлиги сабабли, мажбуриятларни бошқа усуллар орқали бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини йўқотади. Масалан, ФКнинг 341-моддаси императив нормани

— мажбуриятнинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлишини;

298-моддаси иккинчи қисми — кредитор тегишли ижрони қабул қилишдан бош тортган ҳолларда кафиллик бекор бўлишини, 337-модданинг учинчи қисми — агар кредитор қарздор томонидан таклиф қилинган лозим даражадаги ижрони қабул қилишдан бош тортган ҳолларда у муддатни кечиктириб юборган ҳисобланишини назарда тутди. Бинобарин, аксарият ҳолларда фуқаролик қонунчилигида қарздорнинг ўз мажбуриятларини натура тарзида бажарилиши назарда тутилмаганлигини кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, "мажбуриятларни лозим даражада бажариш" тамойили қуйидаги усуллардан фақат биттаси орқали бажарилиши мумкин: реал ёки натура тарзида бажариш (мажбуриятларни натура тарзида бажариш фақат ихтиёрий ёки суд қарори асосида мажбурий бўлиши мумкин). Бундан ташқари, мазкур усуллар қонун чиқарувчи томонидан нафақат мажбуриятларни бекор қилиш жараёнларида, балки бошқа ҳуқуқий муносабатларда, масалан, икки томонлама реституцияларда ҳам қўлланилади. Жумладан, ФКнинг 114-моддаси битимлар ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари тўғрисидаги умумий қоидаларни белгилаш орқали ягона мақсадга эришишнинг (мажбуриятлар тугатилишининг) икки усулини, яъни олинган нарсани аслича қайтаришни, қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса унинг қийматини пул билан тўлашни назарда тутди. Ўхшаш қоидалар ФКнинг 119, 123-моддаларида ҳам ўз ифодасини топган. Бир сўз билан айтганда, барча ҳолларда "мажбуриятларни лозим даражада бажариш" тамойили нафақат маҳсулот етказиб бериш шартномасининг асосий шартларини лозим даражада бажариш, маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятлар бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан, балки шартноманинг бошқа шартлари, хусусан мажбуриятни натура тарзида ихтиёрий бажариш (кредитор ёки у томонидан муайян ҳаракатларни бажариш учун тайинланган шахс фойдасига бажариш) билан ҳам узвий боғлиқ.

Айни пайтда мазкур илмий нуқтаи назар Ўзбе-

кистон Республикаси Фуқаролик кодексининг "Жавобгарлик ва мажбуриятни асл ҳолида бажариш" деб номланган 330-моддаси қоидаларини таҳлил қилиш зарурлигини тақозо этади. Жумладан, ушбу модданинг биринчи қисмига кўра, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбурият лозим даражада бажарилмаган тақдирда неустойка тўлаш ва зарарни қоплаш қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди. Аммо, қарздор мажбуриятнинг бажарилиши кредиторга умуман тақдим этмаган бўлса, у ҳолда зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилади.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, айрим манбаларда олимлар томонидан фуқаролик қонунчилигида белгиланган мазкур тартиб-таомиллarning мазмунини икки хил маънога эга бўлган ҳолатда, яъни "қарздор томонидан шартнома шартларига қатъий равишда амал қилмаган ҳолда бўлса ҳам мажбуриятлар бажариш ҳолати ва қонунчиликда белгиланган сезиларли даражада "ёмон ҳолат" — қарздор ўз мажбуриятларини бажаришга ҳаракат қилмаслик ҳолати" талқин этилиши кузатилади.

Фикримизча, ушбу талқинни илгари сурган олимлар қонунчиликда белгиланган тартибда шартномани бажаришнинг икки мустақил босқичини назарда тутмаган:

биринчидан, мажбуриятни лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик (неустойка тўлаш ва зарарни қоплаш). Бу ўринда, ФКнинг 330-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, ушбу жавобгарлик қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди;

иккинчидан, кредитор томонидан пул суммасини қабул қилиш орқали (ФКнинг 330-моддаси иккинчи қисми) ва ижрони кредиторнинг қабул қилишдан бош тортиши орқали (ФКнинг 330-моддаси учинчи қисми) мажбуриятнинг бекор бўлишини. Мажбуриятларни тугатишнинг ушбу усулларининг ҳар бирида қарздор мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этилади.

Айнан мазкур ҳолатлар орқали ФКнинг ушбу моддаси ("Жавобгарлик ва мажбуриятни асл ҳолида бажариш") номида "ва" кўшимчасининг мавжудлигини изоҳлаш мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда ФКнинг 11-моддасига риоя қилган ҳолда, назаримизда, маҳсулот етказиб бериш шартномасида сотиб олувчи бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш (мажбуриятларни бекор қилишнинг икки усулидан бири мавжуд бўлган ҳолларда) ҳуқуқига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 396-моддаси ушбу ҳолатга жиддий равишда тузатиш киритганлиги кузатилади. Яъни мажбуриятни асл ҳолида (нату-

ра тарзида) бажаришга мажбур қилиш ҳуқуқи сотувчида, қачонки, шартнома предмети хусусий аломатлари билан белгиланган ашё бўлган тақдирда, сақланади. Ўшаш қоида ФКнинг 331-моддасида ҳам ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар, шу жумладан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича товарлар борасида умумий қоида бўйича сотиб олувчи бундай ҳуқуқларга эга эмас.

Шу билан бирга, "мажбуриятларни реал бажариш" ҳар доим ҳам лозим даражада амалга оширилмайди. Жумладан, агар мажбурият бузилса, у ҳолда қоида тариқасида "мажбуриятни лозим даражада бажариш" тўлиқ ҳажмда ўз ўрнига эга бўлмайди. Мисол учун, муайян давр ўтган бўлса ҳам шартномани тузишдан кўзланган ҳаракатни амалда бажариш имконияти сақланади ва бундай ҳолларда кредитор натура ёки пул компенсацияси тарзида товон олиш орқали мажбуриятни бекор қилади, аммо етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга бўлган ҳуқуқ унда сақланади. Мазкур нуқтаи назардан маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажариш жараёнларини таҳлил қилишда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади:

1. Товарларни сотиб олувчига ёки шартномада олувчи сифатида кўрсатилган шахсга жўнатиш (топшириш) бўйича ҳаракатлар.

Маълумки, қоида тариқасида маҳсулот етказиб берувчи ўз ҳаракатларини тузилган шартнома шартларига мувофиқ равишда мустақил амалга оширади. Аммо, шартномада сотиб олувчининг товарларни аниқ олувчиларга жўнатиш тўғрисида сотувчига кўрсатмалар бериш ҳуқуқи (жўнатиш разнарядкаси) назарда тутилиши мумкин. Жўнатиш разнарядкасининг мазмуни ва уни сотиб олувчи томонидан маҳсулот етказиб берувчига юбориш муддати шартномада белгиланади. Бундай ҳолларда маҳсулот етказиб берувчининг мажбуриятларини муқобил сўрётда бажариш тартибида ижро этиладиган (ФКнинг 256-моддаси), яъни маҳсулот етказиб берувчига мажбуриятни бажаришдан бош тортиш ёки сотиб олувчининг белгиланган муддатда жўнатиш разнарядкасини тақдим қилмаган тақдирда, маҳсулот етказиб беришни тўхтатиш ҳуқуқи тақдим этиладиган мажбуриятлар сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқдир.

2. Товар етказиб беришнинг айрим даврида уни тўлиқ етказиб бермаган маҳсулот етказиб берувчи, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, етказиб берилмаган товарлар миқдорини шартнома амал қилиш муддати доирасидаги кейинги даврда (даврларда) тўлдириши лозим. Бундай мажбурият товарларни қабул қилиш жараёнида унинг тўлиқ эмаслиги аниқланган, аммо сотувчи томонидан унинг ҳақи тўлан-

ган тақдирда, вужудга келади.

3. Маҳсулот етказиб берувчининг товарларни сотиб олувчига етказиб бериш (тўлиқ етказиб бериш) бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлиги жавобгарликнинг етказилган зарарни қоплаш ёхуд неустойкани ундириш шакллари, башарти бундай ҳолат қонунда ёки шартномада белгиланган бўлса, қўлланилишига сабаб бўлади.

Маҳсулот етказиб берувчи ихтиёрий равишда етказилган зарарни қоплашни ёки неустойкани тўлашни рад қилган (бош тортиш) тақдирда, сотиб олувчи судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Айни пайтда қуйидаги ҳақли савол туғилиши мумкин: сотиб олувчи даъвосининг предмети нима ҳисобланиши лозим? Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15, 324-моддаларида асосан зарарларни ундиришми ёки ФКнинг 399-моддасига мувофиқ, етказиб берилмаган товарларнинг миқдорини ундириш ҳисобланадими?

Назаримизда, умумий қоидада биноан, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бузувчи учун муайян салбий оқибатларни "чақириш орқали", унга мажбуриятларни реал бажаришга мажбур қилишни "жавобгарлик" деб ҳисобламасликни, реал бажариш мажбурияти бевосита шартноманинг ўзидан келиб чиқишини тушунтириш орқали айбдор шахсга юкланадиган қўшимча "оғирлик"да намоён бўлади.

Шундай қилиб, сотиб олувчининг тўлиқ етказиб берилмаган товарлар миқдорини топширишни талаб қилиш бўйича ФКнинг 399, 443-моддаларида белгиланган ҳуқуқи мажбуриятларни лозим даражада бажаришга мажбур қилиш чораларига киради. Топширилган товардан ва унинг ҳақини тўлашдан бош тортиш ҳуқуқи, агарда товар учун ҳақ тўланган тақдирда, у ҳолда тўланган пул суммасини қайтаришни талаб қилиш "оператив таъсир кўрсатиш чоралари"га киради. Бошқача айтганда, мажбур қилиш ва оператив таъсир кўрсатиш чоралари шартнома бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳисобланмайди. Шу боисдан, ФКнинг 399, 443-моддаларида белгиланган чоралар билан бир қаторда, сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчига нисбатан мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун "санкция" сифатида ФКда ўз ифодасини топган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллашга ҳақли.

Таъкидлаш жоизки, маҳсулот етказиб бериш шартномасида муддатлар маҳсулот етказиб берувчи томонидан сотиб олувчига маҳсулот (товар)ларни топширишга оид тарафлар ўртасида ўзаро келишилган вақтинчалик даврларни назарда тутади. Шартномада муддатлар маҳсулот етказиб

бериш даврларини, маҳсулот (товар)лар ишлаб чиқиладиган даврларни (ой, чорак, йил кабиларни) кўрсатиш орқали белгиланиши мумкин. Бундан ташқари, шартномада маҳсулот етказиб бериш даврларини белгилаш билан бир қаторда, товарларни етказиб бериш (ўн кунлик, суткалик, соатлик ва ҳоказо) жадвали ҳам белгиланиши мумкин (ФКнинг 440-моддаси).

Бундан ташқари, маҳсулотларни етказиб бериш муддатлари нафақат вақтинчалик саналар билан, балки сотиб олувчининг муайян хатти-ҳаракатлари (масалан, дастлабки тўлов, авансни ўтказиш, аккредитив келиб тушиши ҳақида банкдан хабарнома қабул қилиш кабилар) билан боғлиқ бўлиши мумкин. Албатта, мазкур шартлар шартнома матнида ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Агарда, шартномада муддатлар муайян сабабларга кўра келишилмаган ва уларни белгилаш усуллари ҳақида ҳеч қандай кўрсатмалар белгиланмаган бўлса, у ҳолда ФКнинг 236-моддасига мувофиқ, иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Айни пайтда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги эҳтиёжни ҳамда тобора чуқурлашиб бораётган иқтисодий ислохотлар жараёнида маҳсулот етказиб бериш шартномасининг ривожланиб бораётганлигини ҳисобга олиб, назаримизда, маҳсулот етказиб бериш шартномасининг муҳим шarti сифатида маҳсулот (товар)ларни етказиб бериш муддатларига оид фуқаролик қонунчилигида белгиланган қоидаларни такомиллаштириш зарур.

Бундан ташқари, шартноманинг муҳим шarti сифатида "баҳо"нинг ҳам аҳамияти муҳим ҳисобланади. Чунончи, давлат ташкилотлари учун маҳсулот етказиб беришнинг тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши ёки маҳсулот етказиб бериш учун буюртмалар фақат белгиланган мақсадлар учун ажратилган бюджет маблағлари мавжуд бўлган тақдирдагина берилиши ёхуд баҳо ҳақидаги маълумотларнинг йўқлиги шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлиши кабилар "баҳо"нинг маҳсулот етказиб бериш шартномасининг муҳим элементи эканлигидан дарак беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ҳисоб-китобларга оид шартларни шакллантиришда, назаримизда, икки муҳим ҳолатни ҳисобга олиш лозим: биринчидан, шартномани бажариш бўйича режалаштирилган келажакдаги фаолиятни (шу жумладан, тўловни амалга оширишни); иккинчидан, келгусида вужудга келиши ва шартнома шартларига мувофиқ фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳолатларни. Чунончи, мазкур шарт-

ларнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни мазкур икки муҳим ҳолатни ҳисобга олишнинг аҳамияти ҳисоб-китоблар тартиби ҳақидаги шартнинг бир пайтнинг ўзида тартибга солиш функцияси — сотиб олувчи томонидан етказиб берилган товарлар учун тўловларни амалга ошириш, шу билан бирга, товарларни етказиб бермаслик ёки тўловни амалга оширмаслик билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш бўйича келажакдаги хатти-ҳаракатларни аниқлашга қаратилганлиги билан боғлиқдир. Бу ўринда, И.Вахниннинг фикрича, агарда режалаштирилган фаолият ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда ҳисоб-китоблар ҳақидаги шартни шартномада баҳо тўғрисидаги шарт билан ягона бўлимда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шартнома моделининг ушбу таркибий тузилиши (структураси) ягона бўлимда аниқловчи шартни (баҳо ҳақидаги шартни) ва товар миқдори учун тўловни амалга ошириш бўйича ижро этувчи шартни (яъни фақат уни аниқловчи шарт мавжуд бўлганда амалга ошириш мумкин бўлган шартни) бирлаштиришни эътироф этади.

Шунингдек, маҳсулот етказиб берувчи учун етказиб берилган товарлар учун пул суммасини тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда молиявий йўқотишларни камайтириш ва сотиб олувчининг юзага келиши мумкин бўлган "тўловга қобилиятсизлик" ҳолатидан ўзини эҳтиёт қилиш нуқтаи назаридан имкон қадар тезда олиш долзарб ҳисобланади. Зеро, маҳсулот етказиб берувчи учун зарарга бўлган таввакалчилик "фойдага бўлган таваккалчилик"ка нисбатан аҳамиятга эга эканлигини англаш муҳимдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 437-моддасига қўйидаги мазмундаги бандни қўшимча сифатида киритиш таклиф этилади:

"Маҳсулот етказиб бериш шартномасида етказиб бериладиган товарларнинг баҳоси белгиланиши лозим. Шартномада етказиб бериладиган товарлар баҳоси ҳақида тарафлар ўртасида ўзаро келишилган шарт бўлмаган тақдирда, маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилмаган деб ҳисобланади".

Хулоса қилиб айтганда, товарларни шартнома бўйича етказиб бериш муддати ва тартиби ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, фуқаролик қонунчилигида уларни тартибга солишга қаратилган қоидаларни такомиллаштириш, ушбу қоидаларни аниқлаштириш нуқтаи назаридан тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш шароитида давр талаби бўлиб ҳисобланади.

Нодира ИСРАИЛОВА,  
Руководитель отдела Республиканского центра  
социальной адаптации детей, к.ю.н.

## КОМИССИИ ПО ДЕЛАМ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ — ОСНОВНОЕ ЗВЕНО В СИСТЕМЕ ПРОФИЛАКТИКИ БЕЗНАДЗОРНОСТИ И ПРАВОНАРУШЕНИЙ СРЕДИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

◆ Мақолада Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларининг масъул котиблари томонидан вояга етмаганлар билан самарали тарбия ва профилактика ишининг ташкил этилиши хусусида ўтказилган социологик сўров натижаларининг таҳлили ва комиссиялари фаолиятининг самарадорлигини ошириш имкониятлари кўриб чиқилган.

◆ В статье рассмотрен анализ результатов социологического опроса, проведенного среди ответственных секретарей Комиссии по делам несовершеннолетних на предмет организации ими эффективной воспитательной и профилактической работы с несовершеннолетними и возможности повышения эффективности деятельности КДН.

◆ The article analyzes the results of sociological survey conducted among the executive secretary of Commission on Juvenile Affairs for the organization of effective educational and preventive work with juveniles. The possibilities of enhancing the effectiveness of CJA based on modern restorative approaches are reviewed.

**Таянч сўзлар:** профилактика тизими, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқий маданият, болалар, ижтимоий риск, ҳуқуқий риск, мувофиқлаштириш, ижтимоий иш, реабилитация, психологик ёрдам.

**Ключевые слова:** система профилактики, безнадзорность, правонарушение, правовая культура, дети, социальный риск, правовой риск, координация, социальная работа, реабилитация, психологическая помощь.

**Key words:** prevention system, neglect, delinquency, legal culture, children, social risk, legal risk, coordination, social work, rehabilitation, psychological support.

В настоящее время одной из актуальных проблем является проблема безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних. Данная проблема может быть решена при активном взаимодействии и социальном партнерстве всех заинтересованных ведомств, органов и учреждений, образующих систему, направленную на профилактику безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних, нахождение эффективных форм и методов их социальной адаптации, реабилитации и интеграции в общество.

Особая роль в комплексном решении данных вопросов отводится Комиссиям по делам несовершеннолетних (далее — КДН), деятельность которых направлена на создание социально-правовых механизмов, обеспечивающих эффектив-

ное взаимодействие субъектов системы профилактики в республике. Эффективное взаимодействие субъектов системы профилактики предполагает не только четкую дифференциацию функций и сфер профилактического влияния, осуществляемого учреждениями различных ведомств (с учетом особенностей категорий детей и семей, являющихся объектом профилактической работы), но и зависит от профессиональной компетентности специалистов, работающих в данной сфере.

В целях изучения вопроса по организации КДН эффективной воспитательной и профилактической работы с несовершеннолетними, нами проводилось социологическое исследование, в котором приняли участие ответственные секретари КДН (n = 101) регионов республики.

В рамках исследования нами анализировались мнения ответственных секретарей КДН относительно знания ими понятий, характеризующих детей групп социального и правового риска; факторов, влияющих на рост правонарушений и преступлений среди несовершеннолетних; эффективных подходов профилактики на всех этапах и взаимодействия с другими субъектами профилактики; критериев успешности профилактической и реабилитационной работы с детьми; альтернативных мер воспитательного характера и мер по предотвращению попадания детей в специализированные учебно-воспитательные учреждения.

Осуществление эффективной профилактики безнадзорности и правонарушений заключается в своевременном выявлении детей групп социального риска, которые и пополняют ряды несовершеннолетних, совершающих правонарушения и преступления. В связи с чем, ответственным секретарям КДН был задан вопрос, каких детей, они относят к детям группы социального и правового риска. Опрос показал, что ответственные секретари КДН четко дифференцируют понятия "дети группы социального риска" и "дети группы правового риска". Большинство респондентов относит к категории детей группы правового риска трудновоспитуемых подростков, состоящих на профилактическом учете в органах внутренних дел, а так же воспитанников специализированных учебно-воспитательных учреждений, безнадзорных и беспризорных детей. Данную группу детей, по их мнению, составляют дети не желающие учиться и употребляющие наркотические вещества, алкоголь, токсикоманы и дети, имеющие психические расстройства.

По мнению опрошенных респондентов, категорию детей группы социального риска, составляют дети из неблагополучных, неполных и малообеспеченных семей; дети, родители которых, страдают алкоголизмом, наркоманией и ведут асоциальный образ жизни; а также дети, растущие в семьях с негативным психологическим климатом, отклоняющиеся от учебы и педагогически запущенные. Они также отметили, что данная категория детей нуждается в социальной помощи, так как дети растут в семьях с низким воспитательным потенциалом и нездоровым психологическим климатом.

Таким образом, анализ ответов специалистов показывает, что главной характеристикой детей группы правового и социального рисков является, в основном, семейное неблагополучие, и отличительной особенностью детей группы правового риска является то, что они уже вступили в конфликт с законом.

Огромную роль в профилактике противоправного поведения играет правовая социализация

личности, которую понимают как процесс выработки навыков, привычек и стереотипов правового поведения и формирования определенных социальных ролей и системы ценностей, принятых в обществе. Результаты опроса показали, что 89,1% ответственных секретарей КДН систематически проводят мероприятия по повышению правовой культуры среди несовершеннолетних, а 14,4% специалистов данную работу проводят непосредственно с родителями. При этом 45,6% всех профилактических мероприятий проводятся на базе махаллинских комитетов и образовательных учреждений (школы, колледжи, лицеи) и 29% проводимых мероприятий приходится на индивидуальную работу с несовершеннолетними. 9% мероприятий проводится в специализированных учебно-воспитательных учреждениях и 2% составляют выступления в СМИ. При этом 94% специалистов в своей работе ориентируются в первую очередь на психологические, социальные, бытовые, семейные особенности несовершеннолетних.

Специалистами так же было отмечено, что необходимо учитывать все обстоятельства ситуации, в которой оказался несовершеннолетний.

Эффективность профилактической работы зависит от организации воспитательной и реабилитационной работы с несовершеннолетними на всех этапах профилактики. На вопрос, что сегодня необходимо предпринять для совершенствования профилактической и реабилитационной работы с несовершеннолетними, на этапах первичной, вторичной, третичной профилактики, ответственные секретари КДН дали следующие ответы:

На этапе первичной профилактики несовершеннолетних необходимо:

- 1) обучать профессиям и организовывать свободное время детей — 30,7%;
- 2) проводить информационно-просветительскую работу в махаллях, школах и вовлекать детей в спорт — 29,7%;
- 3) привлекать психологов для профилактических и реабилитационных работ — 9%.
- 4) проводить профилактические беседы с родителями индивидуально — 7%.
- 5) проводить профилактические мероприятия с несовершеннолетними в образовательных учреждениях и по месту жительства — 4%.

На этапе вторичной профилактики:

- 1) разрабатывать индивидуальные программы реабилитации с учетом совершенного преступления — 29,7%;
- 2) проводить профориентацию и вести контроль над поведением, организовать досуг по интересам к спорту, учебе и труду — 20%;
- 3) привлекать психолога для профилактических бесед — 11%.

- 4) привлечь родителей — 7%;
- 5) усилить работу с органами внутренних дел и махаллей — 4%.

На этапе третичной профилактики:

- 1) систематически проводить профилактические мероприятия при тесном взаимодействии махалли, учреждений образования, здравоохранения, культуры и спорта — 16,8%;
- 2) проводить консультации психологов и закреплять наставника — 15,8%;
- 3) усилить ответственность семьи, махалли и учебных заведений — 12%;
- 4) систематически проводить работу и контролировать поведение детей — 8%.

Эффективность вышеуказанных мероприятий может быть достигнута лишь посредством активного, согласованного взаимодействия и социального партнерства всех ведомств, органов и учреждений, образующих систему, направленную на профилактику безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних. Опрос показал, что для проведения данных мероприятий ответственные секретари КДН больше взаимодействуют с органами внутренних дел (73,3%), органами управления образования и образовательными учреждениями (56,4%), органами по труду и социальной защите населения (42,6%) и органами самоуправления граждан (38,6%). Взаимодействие КДН с другими субъектами профилактики отмечается по ответам как "недостаточное". Причем важнейшим критерием успешности профилактической и реабилитационной работы ответственные секретари КДН отмечают такие показатели, как: снижение повторных преступлений и правонарушений; законопослушное поведение; здоровый образ жизни; снятие с учета на основе положительных характеристик; оценка психологических характеристик несовершеннолетнего.

Целесообразно введение данных критериев в деятельность КДН, что послужит хорошим подспорьем для проведения мониторинга эффективности работы КДН.

Ключевым моментом для разработки специальных мер предупреждения правонарушений среди несовершеннолетних является изучение состояния правонарушений, выявление причин и условий, способствующих им.

На вопрос, какие факторы и причины, влияющие на совершение подростками правонарушений и преступлений, являются основными: 83,2% респондентов назвали: "неблагополучную семью", 50,5% — "ссоры, разводы родителей", 34,7% — "влияние друзей", 29,7% — "влияние СМИ", 28,7% — "информация через Интернет", 16,7% — "низкий уровень правовой культуры", 6% назвали "психические отклонения, заболевания".

Обобщение конкретных причин правонару-

шений несовершеннолетних и анализ их состояния необходимы для того, чтобы правильно определить направление, объем и характер индивидуальных профилактических мероприятий с несовершеннолетними. Это дает не только общую картину данного явления, но и возможность дифференцировано, индивидуально, подойти к разработке адресных профилактических и реабилитационных программ. А на вопрос, какие конкретно индивидуальные профилактические мероприятия проводятся с несовершеннолетними в их практической деятельности, 57,7% ответили, что ставят их на учет в КДН и РОВД; 41,7% — устраивают на учебу; 35% — закрепляют педагогов-наставников; 16,7% — устраивают в спортивную секцию — 16,7%; 11,7% — организуют лечение; 11,7% — устраивают на работу.

Однако указанные ответы не полностью отражают сущность и специфику индивидуальной профилактической работы. На наш взгляд, данная работа заключается в деятельности по своевременному (раннему) выявлению несовершеннолетних и семей, находящихся в социально опасном положении и осуществление социально-педагогической реабилитации, которая предполагает разработку комплекса мер правовой, социально-медицинской, психолого-педагогической помощи с целью предупреждения совершения несовершеннолетними правонарушений или иных антисоциальных действий. А это предполагает разработку оздоровительных, психо-коррекционных, социальных программ с привлечением всех специалистов, так как индивидуальная профилактическая работа, утверждая индивидуальный подход в качестве нормы профилактической работы, является инструментом профессионального взаимодействия специалистов — юристов, педагогов, психологов, социальных работников. Привлечение специалистов широкого профиля необходимо, во-первых, для объективной оценки совершенного противоправного поступка и разработки комплексной программы реабилитации. Во-вторых, для решения вопроса о возможности применения к нему мер воспитательного воздействия и выбора наиболее целесообразной из них, где первостепенное значение придается изучению психологических особенностей подростка. Поэтому в последнее время учеными и практиками ставится вопрос использования знаний и помощи психологов и социальных работников в работе КДН. В соответствии с психологическими особенностями развития ребенка к нему должны быть правильно избраны меры воздействия в виде штрафов, возмещения причиненного ущерба, возложения обязанностей своим трудом устранить причиненный ущерб и т.д.

Однако эффективность профилактических мероприятий может усложняться в виду того, что

ответственные секретари КДН, инспектора профилактики и другие субъекты профилактики безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних не всегда знают возрастные и психологические особенности детей и подростков. Поэтому представляется важным введение спецкурса по возрастной психологии и социальной работе на Высших учебных курсах Генеральной прокуратуры (для ответственных секретарей КДН) и на курсах повышения квалификации офицерских кадров органов внутренних дел (для инспекторов профилактики безнадзорности и правонарушений ОВД).

Как показывает практика, многие несовершеннолетние, оказавшиеся в трудной жизненной ситуации, нуждаются в медицинской, психологической, правовой помощи. Закономерно, что ответственные секретари КДН на вопрос, каких специалистов или общественников следует широко привлекать для работы в системе профилактики безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних, считают "представителей махаллей" — 55%, 49% — "практических психологов", 40,6% — "опытных педагогов", 30% — "социальных работников". Далее, последовали ответы: "пенсионеров" (бывших сотрудников органов прокуратуры, внутренних дел и судей); "спортсменов, военных", "родителей" и "психоневрологов".

В настоящее время в новом Положении "О комиссиях по делам несовершеннолетних" введена должность инспектора по работе с несовершеннолетними, однако в данном документе не прописаны его функциональные обязанности, что требует разработки соответствующей должностной инструкции. На наш взгляд, инспектор по профилактике при КДН должен изучать условия воспитания и содержания ребенка в семье и составлять индивидуальную программу его реабилитации. Согласно международной практике данную работу выполняет социальный работник. Необходимо отметить, что социальная работа в Республике Узбекистан как сфера профессиональной деятельности, только формируется — и содержательно и организационно, и в кадровом плане.

Направление "социальная работа" в 1998 году введено в Классификатор направлений и специальностей высшего образования. Обучение специалистов высшей квалификации по данному направлению проводят 4 вуза республики. С 2009 года в штат детских домов "Меҳрибонлик" введены социальные работники.

В функции социального работника входит проведение исследования ситуации несовершеннолетнего, организация встреч и бесед не только с несовершеннолетним, но и со специалистами системы народного образования, здраво-

охранения, органов опеки и попечительства, КДН, органов социального обеспечения и труда, органов самоуправления граждан. Собрав и проанализировав информацию о его социальных связях в семье, школе, ближайшем окружении, социальный работник уделяет особое внимание психологическим особенностям несовершеннолетнего. Важным моментом такого исследования ситуации является выяснение условий его жизни и воспитания, а также причин, способствующих совершению правонарушения и преступления. Именно на этом уровне проясняются конкретные социальные проблемы в семье, требующие своего решения, определяется характер вида помощи. Итогом данного исследования является составление индивидуальной программы реабилитации. В зависимости от достигнутых результатов программа реабилитации может меняться. всю эту работу сегодня выполняют ответственные секретари КДН, которые сталкиваются с многообразием подростковых проблем, семейных ситуаций и конфликтов, где психологическая помощь и социальная работа очень востребованы. В связи с этим, представляется актуальным включение в штаты КДН социальных работников, а также психологов.

Вместе с тем, объектом нашего изучения явились вопросы касательно знаний ответственных секретарей КДН международных актов, в частности Конвенции ООН "О правах ребенка" и понятий восстановительного правосудия. Результаты опроса ответственных секретарей КДН показали, что 78% знают содержание Конвенции ООН "О правах ребенка"; 47% знакомы с программами восстановительного правосудия и международной практикой их применения в отношении несовершеннолетних. При этом они отметили, что восстановительное правосудие успешно применяется в судебных процессах и является эффективной формой примирения между родителями и детьми в конфликтных ситуациях и способствуют нормализации отношений между ними и нравственного климата в семье.

Одной из процедур восстановительного правосудия является медиация — это процедура, в рамках которой участники конфликта с помощью медиатора (третьей стороны) разрешают конфликт.

Результаты опросов также показали, что ответственные секретари КДН смогли частично отразить знание процесса медиации. Так, самым главным элементом процедуры восстановительной медиации, по мнению 16,7% респондентов, является примирение конфликтующих сторон. Респонденты также отметили, что восстановительная медиация — это оказание правовой помощи (7,9%), оказание морально-психологической поддержки (4%), проведение профилактических

ких работ (4%), медиация способствует профилактике более тяжких преступлений (3%). По результатам опроса 44,6% ответственных секретарей отметили эффективность данных методик, которая заключается в обеспечении исправительного воздействия на несовершеннолетнего правонарушителя с привлечением широкого круга организаций (в частности КДН, махалли и др.).

Далее в опросе, был задан вопрос относительно еще одной процедуры восстановительного правосудия — "семейной конференции". Анализ опроса показал, что из всех программ восстановительного правосудия ответственные секретари КДН — 33,7% знают больше "семейные конференции". Участники опроса также выразили свое мнение относительно применения семейных конференций. Данные программы, по их мнению, используются при "оказании помощи родителям", "в разрешении семейных проблем и что это семейные советы", "воспитании ребенка", "досудебное урегулирование конфликта между потерпевшим и правонарушителем с целью поиска альтернативной меры воспитательного характера; соблюдение прав правонарушителя. Такие полные ответы объясняются тем, что КДН непосредственно работают с семьями подростков.

Рассмотрим знания респондентов относительно еще одной процедуры восстановительного правосудия — "кругов правосудия".

Круги правосудия одна из форм восстановительного правосудия. Данная процедура по организации напоминает процедуру "семейных конференций", но в этот процесс включается общественность (например, махалли в Узбекистане). Такая форма правосудия способствует созданию среды, где потерпевшие могут быть услышаны, а правонарушители обретают возможность осознать свою вину в полной мере и принять участие в выработке значимых для них путей обретения ответственности.

Из числа опрошенных ответственных секретарей КДН, 26,7% склоняются больше к тому, что "круги правосудия" — это обсуждение правонарушения в рамках общественных институтов, результатом которого является выбор альтернативной меры наказания. В тоже время, 13,9% опрошенных секретарей КДН определяют это понятие, как законные меры, правосудие в отношении несовершеннолетнего правонарушителя, 7,9 % склонились к тому, что "круги правосудия"

— это альтернативные меры воспитательного воздействия на несовершеннолетнего правонарушителя. Восстановительные процедуры как новые современные подходы можно использовать в условиях Узбекистана, так как они не противоречат Законам РУз. "О гарантиях прав ребенка", "О профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних" и могут способствовать совершенствованию механизмов социальной адаптации, реабилитации и интеграции детей групп риска в общество. На наш взгляд, данные процедуры можно апробировать на базе КДН, органов самоуправления граждан, образовательных учреждений (школы, колледжи, лицеи) с участием представителей различных общественных организаций, работающих с детьми. В частности, применение таких методик, как "семейные конференции" и "круги заботы" можно апробировать на базе "примирительных комиссий" при органах самоуправления граждан, где семья совместно с ребенком берет ответственность за выход из конфликтной или криминальной ситуации и изменение его поведения. Или применение восстановительных процедур в школе позволяет разрешать конфликтные ситуации различного рода (конфликт внутри и между классами, конфликт в системе "учитель — ученик", кражи, драки, порча имущества, вымогательство и т.д.). Школьная конференция является предупредительным способом борьбы с противоправным поведением детей групп социального и правового риска. Важной ее функцией является профилактика правонарушений среди детей младшего, среднего и старшего школьного возраста.

Использование данных методик заключается не только в отведении несовершеннолетнего от системы уголовного правосудия (дивергенция), но также в осуществлении комплекса мер по их перевоспитанию, реабилитации и интеграции в общество с целью предупреждения совершения повторных правонарушений.

Резюмируя изложенное, необходимо отметить, что в настоящее время актуальное значение имеют разработка и внедрение в практику деятельности КДН современных подходов в рамках восстановительных процедур, способствующих не только осуществлению профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних, но также их эффективной социальной адаптации, реабилитации и интеграции в общество.



Миравзал МИРАКУЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси, ю.ф.н.

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ – ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

- ◆ Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда тутган роли таҳлил қилинган.
- ◆ В статье анализируется роль постановлений Президента Республики Узбекистан в обеспечении социально-экономического развития.
- ◆ This article is devoted to analyse the role of the resolutions of the President of Uzbekistan in providing the socio-economic development.

**Таянч сўзлар:** Президент қарорлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, қонунчилик.  
**Ключевые слова:** Постановления Президента, социально-экономическое развитие, законодательство.  
**Key words:** President resolutions, socio-economic development, legislation.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини тезкорлик билан яратиш, қолаверса, ислохотларнинг устувор йўналишларини тартибга солишчи қонунлар ҳали яратилмаган даврда бўшлиқларни тўлдириш мақсадида Президентимиз томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ислохотлар изчиллиги, узлуксизлигини таъминлашда юксак аҳамият касб этмоқда.

Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий қурилиш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий, ғоят муҳим стратегик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилмоқда ва унинг ҳуқуқий ҳужжатлари билан тасдиқланмоқда. Президентнинг ҳуқуқий ҳужжатлари ислохотларнинг асосий ғоясини, стратегиясини ва уларни амалга оширишнинг муҳим босқичларини мустаҳкамлайди. Қабул қилинаётган муҳим қонун ҳужжатларининг қандай мақсадга қаратилганлиги, уларни амалга ошириш механизми Давлат бошлигининг қабул қиладиган ҳужжатларида очиб берилади. И.А.Хамедов таъкидлаганидек, тарихий шарт-шароитлар туфайли Президент ҳужжатлари ҳар доим Ўзбекистонда ҳуқуқ манбалари тизимида алоҳида ўрин эгаллаб келган. Ислохотлар талабларига ўз вақтида оператив жавоб қайтариш зарурияти туфайли давлат бошлиғи фармонлари кўпинча қонунлардан ўзиб кетар ва вақтинча уларнинг ўрнини эгаллаб, бу билан ҳуқуқий сиёсат ўзанини белгилаб, қонун чиқарувчи амалиёт эҳтиёжларига жавоб берувчи бўшлиқларни тўлдиришга ул-

гурмаган жойларини ҳуқуқий тартибга солиб туради<sup>1</sup>. Давлат бошлиғи қабул қиладиган ҳужжатлар ўзининг туб фалсафаси билан шиддат ила кечаётган ҳозирги замондаги ўзгаришларга ўз вақтида ҳуқуқий асос яратади. Бу эса адолатли демократик жамият қуриш, жамият ва давлат ҳаётини эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш сари дадил, собитқодам одимлашга хизмат қиладиган. Ҳ.Одилқориев жадал кечаётган ижтимоий-сиёсий, ва иқтисодий ислохотлар даврида Президент фармонлари ностандарт вазиятлардаги муаммолар ҳуқуқий ечимини топишнинг, янги ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий шакл бахш этишнинг оқилона воситаси эканлигини қайд этади<sup>2</sup>. О.Оқюлов Президентнинг ҳуқуқий ҳужжатлари қонун ости ҳужжатлар ичида қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туришини қайд этади: биринчидан, Президент қабул қиладиган норматив ҳужжатлар ҳар қандай идоравий манфаатлардан холи, умуммиллий манфаатларни қатъий ва изчил ифодалайди ҳамда уларни ҳимоя қиладиган. Иккинчидан, ушбу норматив ҳужжатлар иқтисодиётдаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга қаратилади. Албатта, мавжуд муаммолар қонунлар орқали ҳал этилиши мумкин ва баъзан шундай бўлади ҳам. Бироқ қонунларни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш бирмунча мураккаб жараён бўлиб, у бир неча ойлар давом этиши мумкин. Иқтисодиётдаги вазият эса баъзан муаммони зудлик билан ҳал этишни, субъектларни муайян ҳаракатларга йўналтиришни талаб этади. Мана шундай ҳолатларда Президент қабул қиладиган норматив ҳужжатлар беқиёс аҳамият касб этади. Учинчидан, Президент фармонлари иқтисодиёт-

ни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар тизимида ўзининг ижодий ечимга эгаллиги, юқори самарадорлиги, тараққиёт сарҳадларини доимий равишда кенгайтириб бориши билан ажралиб туради. Президент фармонида илк маротаба ўз ифодасини топган норматив ечимлар кейинчалик ҳуқуқ-тартибот тизимининг ва қонунларнинг таркибий қисмига айланиб қолганлиги бежиз эмас<sup>3</sup>.

Ўтиш даврида ўз вақтида қабул қилинмаган қарор мамлакат ва халқ бошига қутилмаган ҳодисаларни келтириб чиқариши, ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқа ўзанга буриб юбориши мумкин<sup>4</sup>. Шунинг учун ҳам бундай пайтда Президент тараққиётнинг “ўзбек модели” тамойилларидан бири бўлган “давлат — бош ислохотчи” тамойилидан келиб чиқиб, ташаббусни ўз қўлига олиши ва шошилиш тадбирларни амалга ошириш қафолатига эга бўлиши лозим, ана шунда қарорлар ўз вақтида қабул қилинади, масалалар ўз вақтида ечимини топади. Умуман давлат бошқарувида норматив актларнинг ўз вақтида қабул қилиниши катта аҳамиятга эга. Бунда ижроия ҳокимияти билан қонунчилик ҳокимияти ҳамкорликда ишлаши лозим. Бундай тажрибанинг Ўзбекистонда қўлланилгани анча самара берди ва бугунги бир маромдаги ривожланишни таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қиладиган ҳужжатларда давлат ва жамият ҳаётида энг муҳим бўлган долзарб масалаларнинг мақсад-моҳияти, зарурияти, ислохотларнинг асосий йўналишлари батафсил ёритиб берилади ва аниқ чора-тадбирлар билан мустаҳкамланади. Давлат бошлиғи даражасида қабул қилинадиган чора-тадбирлар ғоят муҳим муаммоларни ҳал қилишга бўйсундирилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини умумдавлат манфаатлари йўлида мақсад сари йўналтиради.

Шу маънода 2005 йилда мамлакатимизда икки палатали парламентнинг иш бошлаши, шунингдек, Президентнинг конституциявий мақомидан аввал Вазирлар Маҳкамасининг Раиси лавозими, кейинчалик эса ижро ҳокимиятининг раҳбари мақоми чиқарилганидан сўнг, Президент ҳуқуқий ҳужжатларида шу вақтга қадар ишлатиб келинган фармон ва фармойиш қаторида Президент қарори қабул қилиниш амалиёти шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосан қонун мамлакат раҳбарининг ижтимоий-иқтисодий тусдаги ваколатларини амалга ошириш, турли дастур ва режаларни, прогноз ҳамда параметрларни, ижро ҳокимияти ташкилий тузилмасини, ҳукуматлараро халқаро шартномаларни, бир қатор кадрларни тасдиқлаш, ҳарбий хизматга чақириш ваколатларини амалга ошириш учун қабул қилинмоқда.

Фармонлар каби Президент қарорлари ҳам ижтимоий-иқтисодий, маданий қурилиш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий вазифаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Агар биргина ўтган 2013 йилни оладиган бўлсак, давлатимиз раҳбари томонидан қарийб 200 га яқин қарор қабул қилинган бўлиб, уларнинг 60 дан ортиғи иқтисодий, 20 дан ортиғи ижтимоий, 30 дан

ортиғи кадрларга оид, 20 га яқини халқаро шартномаларни тасдиқлаш, сиёсий ва ҳарбий масалаларга, 7 таси эса амалдаги қарорларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга бағишланган<sup>5</sup>. Ҳукумат томонидан киритилган ва Олий Мажлис қабул қилган бир қатор қонунлар Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш муносабати билан ишлаб чиқилди. “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”, “Гаров реестри тўғрисида”, “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунлар, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунларнинг янги таҳрирлари шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳам талайгина қарорлари давлат бошлиғининг фармон, қарор, фармойишлари юзасидан ишлаб чиқилди. Президент қарорлари амалиётда ҳукумат қарорлари, вазирликлар, идоралар, ҳокимликларнинг қабул қиладиган ҳужжатлари учун асос, бошланғич манба бўлиб хизмат қилди.

2013 йилда давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий-иқтисодий соҳага оид бир қатор тарихий аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Президент қарорлари билан тасдиқланган инсон манфаатларига бағишланган йирик давлат ижтимоий дастурларини ҳаётга татбиқ этиш орқали мамлакатда инсоннинг, аввало, болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўтган йили тасдиқланган бундай дастурларга «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисида, 2013 - 2017 йиллар даврига болалиқдан туғма ногиронлар дунёга келишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни олдиндан аниқлаш давлат дастури тўғрисида, 2013 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида, Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 ва 2014 йилги дастурлари тўғрисидаги қарорларни мисол сифатида келтириш мумкин. Биргина қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш ҳолатига тўхталадиган бўлсак, агар 2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича «калити билан топшириш» шarti асосида 10 мингга яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш белгиланган бўлса, 2014 йилги дастурга биноан бундай уй-жойлар қуриш 11,0 мингга этиб белгиланди<sup>6</sup>.

Шунингдек, мамлакатимизни ҳар томонлама иқтисодий ривожлантириш, қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатга чет эл инвестицияларини жалб қилиш, йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш мақсадида ўтган йили 20 га яқин дастурлар, режалар, прогнозлар тасдиқланди. Хусусан, “2013 - 2015 йиллар даврига республикада узумчиликни янада ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида”, “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил учун инвестиция дастури тўғрисида”, “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорлари қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорлари нафақат умумреспублика, балки жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини ҳам қамраб олади. Бунга яққол мисол қилиб, ўтган йили 3 та вилоят ва бир шаҳарни ижтимоий-иқтисодий, саноат, йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича чиқарган қарорларини келтириб ўтиш мумкин. Биргина Тошкент вилоятининг ўзи бўйича 2 та қарор қабул қилиниб, улар “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг саноат потенциалини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ва “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлардир. Бундан ташқари, “2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ва “2014-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат потенциалини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ҳамда “Қарши шаҳрининг йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва қурилишининг истиқболли режаси дастури тўғрисида”ги Қарорлар қабул қилинди.

Қонунчиликни янада такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бўшлиқларни тўлдириш, қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўриш, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш мақсадида 2013 йил 15 июлдаги “Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарор билан давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ, иқтисодий ривожланиш, ижтимоий ва гуманитар ривожланиш соҳаларидаги қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режалари тасдиқланди. Унга кўра, 105 та қонунлардаги ҳаволаки нормаларни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш белгилаб олинди<sup>7</sup>. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан мамлакатда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислохотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ва замонавий халқаро стандартларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсади-

да Тошкент Давлат юридик институти Тошкент Давлат юридик университети этиб қайта ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилди.

Бундан ташқари, мазкур йилда Президентнинг прокуратура органларига оид 2 та қарори қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада ошириш мақсадида ҳам бир қатор ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш ҳамда чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизминини янада тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирдан-бир қонуний тўлов воситаси бўлмиш миллий валютанинг мақомини янада мустаҳкамлаш, нақд хорижий валютанинг муомала доирасини тартибга солиш, жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни сўзсиз бажариш, шунингдек валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш механизминини такомиллаштириш мақсадида “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизминини янада тартибга солиш тўғрисида”, “Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, республикага ноқонуний олиб кирилган ва қалбакилаштирилган товарларни сотишга қарши курашни ташқи савдо фаолиятини тартибга солишнинг халқаро амалиётда умум-этироф этилган усулларини қўллаш асосида янада кучайтириш, мамлакатимиз корхоналари томонидан ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли бўлган, юқори сифатли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида”, электрон шаклдаги корпоратив харидлар тизимига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш, уларни амалга оширишда рақобатни ривожлантириш ва ошкораликни таъминлаш, табиий монополиялар субъектларининг товарлари ҳамда хизматлари нархларини мақбуллаштириш мақсадида “Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида”, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва уни экспортга чиқариш-

да зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлар қабул қилинди.

Ўтган йилда айниқса, аҳолини ва иқтисодийётни энергетика билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилди. Бу борада “Қуёш энергияси Халқаро институтини тузиш тўғрисида”, “Ангрен иссиқлик электр станциясида юқори қулли кўмирни ёқиш учун теплофикация танловга эга 130-150 МВт қувватли энергоблок қурилиши” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки” иштирокида “Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини татбиқ этиш. Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари истеъмолининг 0,4 кВ электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш тизими” лойиҳасини амалга ошириш бўйича дастлабки чора-тадбирлар тўғрисида”, “Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг энергия таъминоти тизимини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станциясини қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича дастлабки чора-тадбирлар тўғрисида”, “Ислом тараққиёт банки иштирокида “Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини татбиқ этиш. Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикасининг Навоий ва Хоразм вилоятлари истеъмолининг 0,4 кВ электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш тизими» лойиҳасини амалга ошириш бўйича дастлабки чора-тадбирлар тўғрисида”, “Сирдарё ТЭСнинг иккита энергоблокин тўлиқ масштабда замонавийлаштириш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ислом тараққиёт банки иштирокида «Тошкент шаҳри кўчаларини ёритиш тизимига қувват самардорлиги технологияларини татбиқ этиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”,

“Толлимаржон иссиқлик электр станциясини 450 МВт қувватга эга иккита буғ-газ қурилмасини қуриш билан кенгайтириш” инвестиция лойиҳасини амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Наманган вилоятида 900 МВт қувватга эга иссиқлик электр станцияси қуришни ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ўндан ортиқ Президент қарорлари қабул қилинди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллигини янада ошириб бориш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш бўйича ислохотларни амалга оширишда уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини изчиллик билан босқичма-босқич рўёбга чиқариш, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини кенг ривожлантириш, уларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида Президентимизнинг 2013 йил 12 декабрдаги қарори билан 2014 йилнинг 1 январидан нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи миқдори 5 баравар, уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар миқдори 2,5 баравар камайтирилиб, уларнинг миқдорлари тасдиқланди. Бундан ташқари, мазкур қарорда нодавлат нотижорат ташкилот фаолиятига янада эркинлик беришга, уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид бир қатор нормалар назарда тутилди<sup>8</sup>.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан чиқарган қарорлари мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланишининг мустаҳкам ҳуқуқий асосини барпо этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, давлат ҳокимияти ижро этувчи ва қонун чиқарувчи тармоқларининг келишган ҳолда фаолият юритишига, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳуқуқ ижодкорлик стратегиясини белгилаб беришга, ислохотлар талабларига ўз вақтида жавоб қайтаришга хизмат қилмоқда.



<sup>1</sup> Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть: учебник. – Ташкент: Консаудитинформ – нашр, 2012. – С.107.

<sup>2</sup> Одиқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.52.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2005 йил 17 ноябрь). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 366-367.

<sup>4</sup> Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.24.

<sup>5</sup> Мазкур маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг нашри “Хабарнома” (Пресс-бюллетень)ларда келтирилган маълумотлардан, шунингдек, “Lex.uz” ва “Norma” ахборот-ҳуқуқий тизими маълумотлари таҳлили асосида тайёрланган.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами / 2013 йил 14 январь, 2-сон, 17-модда., «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 25 ноябрь, 47-сон, 615-модда.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами / 2013 йил 22 июль, 29-сон, 373-модда.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами / 2013 йил 23 декабрь, 51-сон, 660-модда.

**Зафар РЎЗИЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги**  
**Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти**  
**етакчи илмий ходими, ю.ф.н.**

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ КЕНГАШИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

- ◆ Мақолада фуқаролар йиғини кенгаши, асосий йўналишлар бўйича жамоатчилик комиссиялари ва тафтиш комиссиясининг фаолияти таҳлил қилинган.
- ◆ В статье анализируется вопросы, касающиеся деятельности кенгаша схода граждан, комиссии по основным направлениям и ревизионных комиссий.
- ◆ In this article discussed activities of self-government institutions of citizens, main approaches of public commissions and revisions commissions.

**Таянч сўзлар:** фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла, фуқаролар йиғини кенгаши, жамоатчилик комиссияси, тафтиш комиссияси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари, жамоатчилик назорати.

**Ключевые слова:** институты гражданского общества, органы самоуправления граждан, махалля, кенгаша схода граждан, комиссии по основным направлениям деятельности схода граждан, ревизионная комиссия, полномочие органов самоуправления граждан, общественный контроль.

**Key words:** institutions of a civil society, self-government institutions of citizens, mahalla, public commissions, revisions commissions, power of self-government institutions of citizens, public control.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини — маҳалла институтининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири тобора ошиб, ваколатлари кўлами кенгайиб бормоқда. Мухтарам Юртбошимиз томонидан 2014 йил "Соғлом бола йили" деб эълон қилинди ҳамда соғлом боланинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида маҳалла аталмиш ноёб тузилманинг қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш каби вазифаларни ҳал қилишда Юртбошимиз томонидан маҳалла фаолларига ишонч билдирилганлиги ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш лозимлигидан далолат беради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ, 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизда

10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида йиғин раислари ва уларнинг 97 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайлови ўтказилди. Ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида ўтказилган мазкур сайловларда ҳар бир маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли томонидан ишонч билдирилган муносиб номзодларнинг ушбу масъулиятли лавозимларга сайланиши таъминланди. Айни пайтда ушбу сайловларда халқимизнинг фаол иштирок этганликларини мамнунлик билан таъкидлаш ўринли бўлади.

Албатта, бўлиб ўтган сайлов жараёнлари сайланган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларига катта масъулият юклайди. Масъулият эса, энг аввало, ўша ҳудуд аҳолисининг ишончини оқлаш, маҳалла зиммасига юклатилган кенг қамровли вазифалар ижросини самарали таъминлашдир. Бунинг учун эса фуқаролар йиғини кенгаши ва жамоатчилик комиссиялари фаолиятининг бугунги кун талаблари асосида ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада аввало, фуқаролар йиғини кенга-

ши, унинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлашдаги ўрни хусусида тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, мухтарам Юртбошимиз томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да асосий йўналишлардан бири сифатида айнан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимча киритиш таклифи илгари сурилган эди. Бу аснода 2013 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунларнинг янги таҳрирлари қабул қилинди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунига аҳамият берадиган бўлса, унинг 9-моддасида бевосита фуқаролар йиғини органлари сифатида фуқаролар йиғини кенгаши; фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда тафтиш комиссияси мустақамланганлигини кўришимиз мумкин.

Мазкур органлар фаолияти Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 13 ва 18-моддаларида алоҳида норма сифатида тартибга солинди.

Қонуннинг 13-моддасига кўра, фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар йиғинлари оралиғидаги даврда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг кенгаши шакллантирилади. Фуқаролар йиғини кенгаши таркибига фуқаролар йиғинининг раиси, унинг маслаҳатчилари, масъул котиб, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмасининг раҳбари киради.

Шунингдек, янги таҳрирдаги қонунда фуқаролар йиғини кенгашининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги бир қатор ваколатлари ўз аксини топган бўлиб, ушбу ваколатлар ўз навбатида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада

кенгайтиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Шу ўринда фуқаролар йиғини кенгашининг амалий фаолиятига аҳамият берадиган бўлса, фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси фуқаролар йиғини раиси томонидан, заруратга кўра, лекин ойида камида бир марта ўтказилади. Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда кенгаш мажлиси ваколатли ҳисобланиб, уни фуқаролар йиғини раиси, у бўлмаган тақдирда эса унинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Кенгаш мажлисида ҳозир бўлган аъзоларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган кенгаш қарорлари қабул қилинган ҳисобланади.

Ўз навбатида, қонуннинг 22-моддасига аҳамият бериладиган бўлса, унда фуқаролар йиғини кенгашининг иш тартиби ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан заруратга кўра, лекин ойида камида бир марта ўтказилиши, Кенгашнинг мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланиши, қарор, агар уни фуқаролар йиғини кенгашининг ҳозир бўлган аъзоларидан ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланиши, шунингдек, Кенгашнинг қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинишига оид норма ҳам ўз аксини топган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, қонуннинг 13-моддасига кўра, фуқаролар йиғини Кенгаши таркибига айнан раис маслаҳатчилари ҳам киритилган бўлиб, улар кенгаш таркибига фуқаролар йиғини зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлашда ўзларининг маслаҳатлари, таклиф ва тавсиялари билан қатнашадилар. Аксарият маслаҳатчилар асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссияларга раҳбарлик қилиши сабабли, амалга оширган ишлари натижаларини кенгашда муҳокама қилиш, комиссия зиммасига юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаш учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича кенгаш муҳокамасига таклифлар киритадилар.

Қонуннинг 11-12-моддаларида белгиланган фуқаролар йиғини ваколатларини самарали таъминлаш нуқтаи назаридан маслаҳатчилар ўзи раҳбарлик қиладиган комиссия вазифаларидан келиб чиқиб кенгаш таркибига киритиладилар. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг маслаҳатчиси, қоида тариқасида, фақат битта комиссияга раислик қилиши мумкин.

Шу ўринда фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар фаолияти ҳақида ҳам тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, фуқаролар йиғини фаолиятининг

асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг фаолияти янги таҳрирдаги Қонуннинг 18-моддаси билан тартибга солинган бўлиб, унга кўра, фуқаролар йиғинларида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича яраштириш комиссияси; маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия; ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия; хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия; вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия; тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия; экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия; жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар тузилади.

Бундан ташқари, тегишли ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб, фуқаролар йиғини томонидан фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Ушбу Намунавий Низомлар бевосита Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг фаолиятини тартибга солишдан иборат бўлиб, унда Комиссияларнинг мақсади ва асосий вазифалари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш каби масалалар ўз аксини топди.

Мазкур Комиссиялар ўз вазифаларини амалга оширишда бевосита ўзларининг фаолият соҳаларидан келиб чиқиб, жойлардаги давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари, шунингдек, фуқаролар йиғини кенгашининг аъзолари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар билан ҳамкорлик қиладилар.

Комиссиялар фуқаролар йиғини томонидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловидан сўнг бир ой ичида тузилади. Улар аъзоларининг сони эса, фуқаролар йиғини ҳудуддаги аҳоли сони ҳамда иш ҳажмига қараб белгиланади. Комиссияларнинг таркибига бевосита ўзларининг фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, жойлардаги давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, йиғинда фаолият юритаётган субъектлар, ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган ҳамда ўзининг тарбиявий таъсирини ўтказа оладиган фаол фуқаролар, шу жумладан, ташаббускор ёшлар киритилиши мумкин.

Барча комиссияларнинг аъзолари ва раиси фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

Комиссияларга раҳбарлик, қоида тарихида, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари томонидан амалга оширилади. Комиссияларнинг таркибига номзод сифатида кўрсатилган шахслар, агар фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади. Агар комиссияларнинг аъзолари муддатидан аввал Низомда белгиланган тартибда комиссия таркибидан чиқса, унинг янги аъзоси бир ой муддат ичида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан сайланади.

Комиссиялар ўз фаолияти тўғрисида ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чорагида эса, фуқаролар йиғинига ҳисобот бериб боради.

Шу ўринда Фуқаролар йиғини ҳузуридаги тафтиш комиссияси ва унинг фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади ҳамда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан молиявий-хўжалик фаолияти соҳасида етарли билим ва тажрибага эга бўлган фуқаролар йиғини аъзолари орасидан камида уч нафар таркибда яширин ёки очик овоз бериш йўли билан сайланади. Унинг мақсади фуқаролар йиғини молия-хўжалик фаолиятини текширишдан иборат. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, фуқаролар йиғини тўғрисидаги Низомга, фуқаролар йиғинининг қарорларига ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, тафтиш комиссияси ўз текширишларини фуқаролар йиғини қарорига мувофиқ амалга оширади. Тафтиш комиссияси режадан ташқари текширишларни фуқаролар йиғини аъзолари камида учдан бир қисмининг сўровига биноан ўтказади. Улар ўз фаолиятида мустақилдир ва фақат фуқаролар йиғинига ҳисобдордир.

Шунингдек, ушбу Намунавий Низомда бевосита тафтиш комиссиясининг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, улар фаолиятини ташкил этиш, мазкур комиссиянинг ҳулосаси ҳамда яқунловчи қоидалар каби масалалар ҳам ўз аксини топди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари

ри бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси ўз фаолиятини фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида амалга оширади.

Бугун мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида маҳалла институтининг нуфузини кўтаришга, нафақат иқтисодий, ижтимоий, балки сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масала сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада фуқаролар йиғинлари аҳолининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларини ҳал этишга кўмаклашувчи, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминловчи институтга айланди.

Бугун маҳаллалар аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айланиб бормоқда. Маҳалла институти жамиятимиз ҳаётининг энг самарали, айна пайтда миллий кўриниши сифатида юртимизда амалга оширилаётган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" деган тамойилнинг амалий ифодасига, кенг халқ оммасини дав-

лат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи мустаҳкам кўприкка айланмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган кенг қамровли чора-тадбирлар ижросини самарали таъминлаш, "Маҳалла — халқ виждони" деган юксак эътирофни ҳар томонлама оқлаш бугунги кунда тизим фаоллари олдида турган муҳим вазифадир.

Одамларнинг кундалик ўй-ташвишларини яқиндан тушунишда, уларнинг оғирини енгил қилишда энг халқчил идора бўлган маҳаллада муносиб шахсларнинг фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сифатида фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ишини самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, соғлом бола тарбиясида, жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ҳушёрлик ва огоҳлик муҳитини мустаҳкамлаш каби вазифаларни амалга ошириш тизим фаолларига катта масъулият юклайди.



# ХОРИЖИЙ АДАБИЁТЛАРНИНГ ШАРҲИ

## Дайджест зарубежной литературы

**Маняк Николай Иванович,**  
**председатель Судебной коллегии по гражданским делам**  
**Краснодарского краевого суда, к.ю.н.**

### АПЕЛЛЯЦИЯ ВО ФРАНЦИИ

Традиционными способами обжалования судебного решения во Франции являются апелляционная жалоба и кассация. Если первый вид обжалования во французской юридической литературе рассматривается в качестве "столбовой дороги", то по второму можно пойти только в исключительных случаях.

Апелляционная жалоба - это вид обжалования (обращения), предусмотренный ГПК Франции и направленный на изменение или отмену судебного решения. С помощью апелляционной жалобы сторона передает дело и состоявшееся решение суда в юрисдикцию высшей ступени. Цель апелляционного обжалования - изменение или отмена апелляционным судом решения, вынесенного судом первой инстанции в связи с его незаконностью и немотивированностью (ст. 542 ГПК Франции).

С 1 января 2012 г. в апелляционных судах Франции реализуется идея электронного документооборота, что, вероятно, позволит снять имеющиеся претензии Европейского суда по правам человека относительно разумности сроков судебного разбирательства во Франции. Подача апелляционных жалоб адвокатами, взаимодействие адвокатов и суда, извещение сторон и других лиц в случаях, предусмотренных ГПК Франции, о дате рассмотрения жалоб осуществляется с помощью электронных средств. Поскольку электронное взаимодействие суда и сторон процесса осуществляется через адвоката (с использованием его электронной почты, на которую поступают все процессуальные и иные документы, исходящие от суда и другой стороны процесса), бремя уведомления клиентов о движении апелляционной жалобы, содержании документов, поступивших от другой стороны и дате рассмотрения апелляционной жалобы возлагается на адвоката. Электронный документооборот в суде апелляционной инстанции позволит обеспечить более высокий

уровень сотрудничества, взаимодействия суда и сторон процесса, ускорит сроки обмена взаимной информацией (доказательствами) между сторонами, обеспечит своевременную подготовку встречных (ответных) апелляционных жалоб.

Гражданский процессуальный кодекс Франции рассматривает апелляционную инстанцию в широком плане, как реальный способ разрешения и завершения рассмотрения спора путем внедрения вышестоящей инстанции, узаконивания передачи дела в вышестоящую инстанцию, передачи большого числа апелляционных жалоб на рассмотрение в более высокую юрисдикцию.

При обращении в суд более высокой апелляционной юрисдикции возникают три вопроса: кто может подавать апелляционную жалобу и выступает сторонами в апелляционном суде; какие решения могут являться предметом обжалования в апелляционном порядке; когда и в какие сроки должна подаваться апелляция? Следует отметить, что в случае злоупотребления правом на обжалование на основного заявителя может быть наложен штраф и возмещение убытков, причиненных подачей апелляционной жалобы (ст. 559 ГПК Франции). Существует устойчивая практика, в соответствии с которой апелляционные суды, налагая столь серьезные санкции за злоупотребление подачей апелляционной жалобы, должны серьезно мотивировать свое решение.

Любое решение суда может стать предметом апелляционной жалобы (общий принцип). "В отсутствие положения о противном, в апелляционном порядке могут быть обжалованы решения суда первой инстанции по всем делам, включая дела особого производства" (ст. 543 ГПК Франции). Согласно общему правилу такое средство правовой защиты вполне доступно, однако меры управления на основании судебного решения обжалованию не подлежат (ст. 537 ГПК Франции). Также не подлежат обжалованию решения,

---

которые фактически являются судебными осмотрами, поскольку это не решения, касающиеся фактов, а лишь соглашения сторон, зафиксированные юридически. Неточная формулировка решения, допущенная вынесшими его судьями, не влияет на практику права обжалования (ст. 536 ГПК Франции). В том случае если решение было ошибочно сформулировано в последней инстанции, то апелляция может быть подана, но при этом она не может быть подана, если решение было ошибочно квалифицировано как решение суда первой инстанции.

Апелляционная жалоба может быть исключена в следующих случаях: 1) если сумма спора является незначительной (менее 4001 евро): в этом случае решение суда первой инстанции утверждается как решение первой и последней инстанции и можно подавать только кассационную жалобу;

2) по причине неотложности судопроизводства, например, в некоторых случаях при оплате задолженности; тем не менее жалоба принимается *appel-nullite*, если имеет место злоупотребление судьей своими полномочиями.



**Юридический мир,  
№6 (198) 2013 г.**

## КОММЕРЧЕСКИЙ ПОДКУП КАК ПРИЗНАК СОСТАВА ПРЕСТУПЛЕНИЯ В УГОЛОВНОМ ПРАВЕ ВЕЛИКОБРИТАНИИ И США

Коммерческий подкуп как противоправное посягательство не является отдельным четко определенным уголовно-правовым деликтом. В нормативных правовых актах уголовно-правового характера данное преступление именуется как коммерческое взяточничество.

Следует указать, что уголовно-правовая доктрина Соединенных Штатов Америки понятие взяточничества распространяет на следующие формы этого преступления: 1) собственно взяточничество, посягающее на деятельность публичной администрации и деятельность публичных должностных лиц; 2) коммерческое взяточничество; 3) взяточничество в сфере деятельности профсоюзов; 4) взяточничество в сфере спорта. Наиболее подробной регламентации в уголовном законодательстве США подвергаются нормы, устанавливающие ответственность за взяточничество в сфере деятельности публичных должностных лиц. Примечательно, что ответственность за преступления, составляющие взяточничество в сфере деятельности публичных должностных лиц, предусматривается в уголовных законах всех штатов США и в федеральном законодательстве. Ответственность же за "коммерческое взяточничество" устанавливается лишь в некоторых штатах (например, по уголовному закону штата Нью-

Йорк). Коммерческое взяточничество как противоправное посягательство трактуется американским уголовным законодателем как разновидность мошенничества или как форма обмана в сфере деятельности частных компаний.

В отличие от уголовного законодательства США, уголовно-правовые акты Великобритании не кодифицированы. Источниками регулирования уголовно-правовых отношений здесь выступают отдельные парламентские акты либо судебные прецеденты. Нормы о преступлениях, совершаемых должностными лицами или связанными с их деятельностью, приведены в "Собрании законов Англии", в котором преступления, совершаемые посредством подкупа, занимают соответствующее место в системе других преступлений. Так, в главе о должностных преступлениях содержатся такие составы, как взяточничество, продажа должностей, обструкция должностных лиц и др.

Особенностью уголовного законодательства Великобритании является то, что действия лиц, передающих незаконное вознаграждение при взяточничестве, а также лиц, принимающих предмет подкупа, квалифицируются по одной и той же статье уголовного закона, устанавливающей одинаковое наказание как для дающего, так и подкупаемого лица.

**Питер Чэн,  
Ассистент кафедры Школы права Городского университета Гонконга,  
солистор (Гонконг, Китай)**

## ЭВОЛЮЦИЯ РОЛИ СУДЬИ В ПРОЦЕДУРЕ УСТАНОВЛЕНИЯ ФАКТИЧЕСКИХ ОБСТОЯТЕЛЬСТВ ДЕЛА В КИТАЙСКОМ ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ

Главным следствием предпринятой Китаем попытки повысить эффективность гражданского судопроизводства стало расширение полномочий сторон при установлении фактических обстоятельств дела и укрепление принципа состязательности. Все более значимую роль в процедуре установления фактических обстоятельств дела играют стороны. Общая обязанность сторон — предоставление доказательств, подтверждающих факты, на которые стороны ссылаются в обоснование своих заявлений. Революцией в процедуре установления фактических обстоятельств по гражданским делам стало опубликование Верховным народным судом "Некоторых положений по доказыванию в гражданском судопроизводстве" (далее - Правила доказывания).

Со вступлением в силу ГПК и Правил доказывания наблюдается переход обязанностей по установлению фактических обстоятельств дела от судьи к сторонам. Функцией же судьи в установлении фактических обстоятельств становится не собирание доказательств, а их анализ и сопоставление.

Статья 64 ГПК закрепляет, что стороны обязаны предоставить доказательства в обоснование своих заявлений. Статья 2 Правил доказывания предусматривает, что заинтересованные стороны обязаны предъявить доказательства фактов, на которых основываются их заявления, или фактов, опровергающих заявления другой сто-

роны. Кодексом устанавливается система ответственности сторон, по которой главная роль в собирании доказательств принадлежит сторонам, в то время как роль судьи становится второстепенной. Однако согласно ст. 64 ГПК за судьей в силу занимаемой должности сохранены полномочия по исследованию и собиранию доказательств в двух случаях: 1) когда стороны не могут самостоятельно получить доказательство в силу каких-либо объективных причин (в этом случае стороны могут заявить ходатайство о собирании доказательств судом); 2) когда суд считает доказательство необходимым для разрешения дела. Что касается первого случая, то в качестве примера можно привести ситуацию, когда доказательство хранится в архивах органов государственной безопасности (или когда доказательство связано с государственной или банковской тайной) и сторонам невозможно либо крайне затруднительно получить такое доказательство самостоятельно. По ходатайству стороны собрать доказательство от ее имени может суд. Понятие необходимости (второй случай) конкретизировано ст. 15 Правил доказывания, которая дает скорее ограничительное определение, сужая полномочия суда по исследованию и собиранию доказательств лишь до вопросов, касающихся интересов общества или государства, и вопросов, не относящихся к существу спора.



**Российский юридический журнал,  
№5 - 2013г.**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

**Жорий йилнинг 10 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Тадбирда Бош прокуратура ходимлари, Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳамда Юристар малакасини ошириш маркази ва Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Конференцияда таъкидланганидек, бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш масалалари алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

Хусусан, прокуратура органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ташкилий ва амалий ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда ўзаро келишувлар асосида ишлаб чиқилган тегишли дастурларни амалга ошириш ҳамкорлигининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Конференцияда фуқаролик жамияти институтлари билан прокуратура органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш ҳамда ушбу йўна-



лишдаги давлат дастурлари ижросини таъминлаш бўйича мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида унинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари ривожлантириш ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Анжуман давомида мазкур соҳадаги тадбирлар ижросини мунтазам равишда таҳлил қилиш, шунингдек, аниқланган салбий ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш ва олдини олиш учун чораларни кўриш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Конференция якунида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда прокуратура органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ҳамда мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.



**2014 йил 13 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича Республика комиссияси билан ҳамкорликда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.02.2014 йилдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросининг таъминланиши юзасидан илмий-амалий семинар ташкил этилди.**

Унда Бош прокуратура ходимлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, Хотин қизлар

кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, Тошкент Давлат юридик ва Тошкент Давлат педагогика университети профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Семинарда давлат раҳбарининг юқоридаги қарорлари ижроси юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги алоҳида таъкидланди. Чунончи, Вояга етмаганлар ишлари бўйича Республика комиссияси йиғилишида ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг таълим олишларини янада таъминлаш, ҳар хил мафқуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, Миллий телерадиокомпания билан ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, интеллектуал ва маънавий баркамолликни тарбиялаш юзасидан ҳамкорлик режалари тасдиқланиб, ижро учун жойларга юборилган.

Бундан ташқари, тадбирда ўсиб келаётган авлод орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ижтимоий ҳимоялаш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш ҳуқуқ-тартибот органларининг устувор вазифалари эканлиги таъкидланди.

Семинар якунида болаларнинг соғлиғи ва таълим олишини таъминлашга оид ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

## ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ўқитувчиси Ш.К.Матчонов муаллифлигида "Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун ҳуқуқий таъсир чораси тариқасида молиявий санкцияни қўллаш масалалари" мавзусидаги илмий-амалий қўлланма тайёрланди. (Тақризчилар: Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, Д.Р.Омоновлар. Тошкент, 2014 йил, 75-бет.

Илмий-амалий қўлланма солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун ҳуқуқий таъсир чораси тариқасида молиявий санкцияни қўллаш масаласига бағишланган бўлиб, унда солиққа оид ҳуқуқбузарлик

тушунчаси ва моҳияти, солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортишнинг умумий асослари, солиққа оид ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ ишларни судга қадар кўриб чиқиш тартиби, ҳуқуқий таъсир чорасининг мазмуни, ҳуқуқий таъсир чораларининг суд тартибида қўлланилишини жорий этилиши, ҳуқуқий таъсир чораси тариқасида молиявий санкциялар ва уларни қўллашнинг тартиб-қоидалари, молиявий санкциялар қўллаш назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик турлари ва шу каби бошқа масалалар ёритилган.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда ўтказилган "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплам шаклида чоп этилди. (Таҳрир ҳайъати: М.А.Аминжонова, М.М.Мамасидиқов, Ю.Қ.Ҳамдамовлар). Тошкент, 2014 йил, 152 бет.

Тўпламга киритилган мақолаларда бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида фуқаролик жамияти институтлари билан прокуратура органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик доирасида амалга оширган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг мустақиллик даврларида ривожланиши ҳамда инсон ҳуқуқларини кафолатлашда ўз вазифа ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган ишлари баён этилган.



«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;
- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.
- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда калит сўзлар
- мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: [axborotnoma@vuk.uz](mailto:axborotnoma@vuk.uz)

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.
- ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языке
- статьи нужно направлять по адресу: [axborotnoma@vuk.uz](mailto:axborotnoma@vuk.uz)

**Сурхондарё  
вилоят  
прокуратураси**



**Термиз  
шаҳар  
прокуратураси**

**Шўрчи туман  
прокуратураси ва  
СВОЖДЛҚҚ  
департаментининг  
туман бўлими**



